2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 22 (1083), 2024 йил 31 январь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЁДГА ОЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳрида Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.**






Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва давлат қурилишида Биринчи Президентимизнинг улкан хизматлари борлигини ҳурмат билан ёдга оламиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг эътибори билан унинг хотираси абадийлаштирилди, мақбараси барпо этилди. Ислом Каримов таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш анъанага айланди.

Фидойиларини эъзозлаган халқ ҳамиша ҳурматга сазовор. Хотира тадбири бунинг яна бир ифодаси бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон манфаати йўлида қилган ишлари, инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида ўтган маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Биринчи Президентимизнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

**ЎзА**

## Маънавий тараққиёт

# ЮЗИМНИ ЎТ ЭМАС, ГУЛГА БУРГАНМЕН...

## ЁХУД ҚАЛБИМИЗДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ЮРТГА МУҲАББАТ ҲИССИ ҚАНДАЙ УЛҒАЙГАН ЭДИ?

**Ўтган асрнинг олтмиш тўққизинчи йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетнинг журналистика факультетига бир ўринга йигирма икки кишилик тўғонни ёриб ўтиб ўқишга кирганимизда, домлалар бизга иккита янгиликни айтиб, хурсанд қилган. Биринчиси, факультетда ихчам босмахона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Ишга тушса, шу ерда ўқув газетасини чиқариш, рисолалар чоп этиш мумкин бўлади. Иккинчиси, қашқадарёлик Бойбўта Дўстқораев деган ёш ўқитувчи фан номзоди бўлиш арафасида турибди. Биз ҳам яхши ўқисак, олим бўлишимиз мумкин. Бу икки янгиликдан бошимиз осмонга етиб, ўқишга шўнғиб кетдик. Йиллар ўтиб, ўқишни тугатдик, биздан кейингилар ҳам қўлларига журналист деган диплом олди, аммо на босмахона ишга тушди, на Дўстқораев диссертациясини ёқлади.**



Олий ўқув юртлари талабалари кузнинг бошидаёқ домлалар билан бирга Мирзачўлга пахта теримига юборилaрди. Пахта иши бошқа ҳамма сиёсатлардан бир-икки поғона устун турарди. Шу ерда Бойбўта ака билан яқиндан танишиб олдик. Босиқ, мулоҳазали, камгап, ҳуда-беҳудага овозини баландлатмайдиган, бирор мавзуда баҳс бошланиб қолса, аввал ҳаммани худди бирор янгиликни эшитаётгандай тинглаб, сўнг жўяли бир-икки гапи билан чиройли хотима қиладиган ёш домла экан. Оқшомлари тафти ҳали-ҳануз юзимиздан кетмаган гулхан атрофида шеърхонлик авжига чиқарди, умрида ашула айтмаганлар ҳам Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърига басталанган қўшиқни томоқлари қирилгудай бўлиб куйлашарди. Кейин оммавий рақс бошланади, водийлик талабалар аския пайровларида домлаларни ҳам аяб ўтиришмайди. Чўл осмонида порлай бошлаган юлдузлар бизга ҳавас қилишадими, гоҳ-гоҳ ўзаро кўз қисиб, журъатлилари ошиқ ҳузурига талпинаётган бўйдоқдай, кўкда ёруғ из қолдириб, олис-олисларга учади.

*Давоми 3-бетда*

## Замонамиз қаҳрамони

# “БИЗГА КИМ УЙ БЕРГАНИНИ ҲАМОН БИЛМАЙМИЗ!”

## Ўзини ошкор қилмаган қашқадарёлик тадбиркор муҳтожларга 14 та янги уй совға қилди

### ДЕРАЗА ОЙНАСИДАГИ СУРАТ

...Ҳаётда инсон доим ўзи хоҳлаганидек бўлавермайди. Қанчалик уриниб-туртиниб, олдинга интилмасин, гоҳида кутилмаган тақдир зарбаси барчасини ўзгартириб юборади. Шундай пайтда бунга кўникиб яшашдан бошқа илож йўқ. Айниқса, турмуш ташвишларини енгиб ўтиш учун кишига кучли ирода керак бўлади.

...У оғир умр карвонининг ярмида қолиб кетаман, деб ўйлаганди. Шукрки, яхшилар кўмагида ҳаёти ижобий томонга ўзгарди.

Наргиза опа шинам уйида ўтирганча буларни ўйларкан, қулоғига ҳовлида шодон ўйнаётган болаларининг овози эшитилиб, юзига табассум югурди. Дераза яқинига келиб, қувноқ ҳолда бир-бирига копток узатаётган ўғилларининг ҳаракатларини кузатаркан, негадир кўзларига ёш келди. Дераза ойнасига нимадир чизмоқчи бўлди. Лекин доимий одатга айланиб қолган уй суратини чизди. Мўъжазгина тасвирга термиларкан, хаёллари уни ўша машъум ўтган кунлари томон етаклади.

...Эртага нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмас экан. Наргиза ҳам вояга етиб, яхши оиланинг чиройли бекаси бўлиш орзусида мактабни тугатди. Аммо бахт қуши ҳа деганда бошига қўнавермади. Тақдир битигида биринчи аёли вафот этган кишига турмушга чиқиш ёзилган экан. На илож, кўникиб яшай бошлади. Бошида барчаси яхши эди. Эрининг олдинги аёлидан туғилган болаларини ўз фарзандидек кўрарди. Уларнинг кўнглини ўкситмасликка интилди. Кейинчалик ўзи ҳам фарзанд кўрди. Илк бор ўғлини бағрига босганида бу дунёда ундан бахтиёр она йўқ эди. Шундан сўнг оиласига меҳри янада ошди. Орадан икки йил ўтиб, иккинчи ўғли дунёга келди.

*Давоми 6-бетда*

## Бугуннинг гапи

# АҚЛ КЎЗИ ТЎҒРИ БЎЛСА

## тоза ҳаводан кўнгил яйрайди

**Ҳавонинг тозалик даражаси атмосферадаги ифлослантирувчи модданинг фактик аралашмалар концентрацияси билан рухсат этилган концентрацияси таққослаб баҳоланади. Бу иш билан Гидрометеорология хизмати агентлиги ходимлари шуғулланади. Улар эълон қилиб борадиган экологик бюллетендаги маълумотлар аксар ҳолда кўнгилни хуфтон қилади. Айниқса, биз яшайдиган, фарзандларимиз ҳар куни нафас оладиган Тошкент шаҳри ҳавоси. Охирги вақтларда турли омиллар туфайли ўта ифлосланиб кетиб, инсон саломатлиги учун зарарли моддалар меъёридан ошаётган кунлар одатга айланиб қолди. Натижада шаҳримиз дунёда ҳавоси энг ифлос шаҳарлар рейтингида юқори ўринлардан тез-тез жой олмоқда.**

Нафсиламрини айтганда, кейинги икки кун мобайнида, яъни 28 январь оқшомида бошланиб эртаси куни кечга қадар давом этган ёмғир Тошкент ҳавосини мазкур ойдаги энг тоза даражага олиб чиқди. Бу билан пойтахтимиз ҳаво сифатини кузатиб борувчи AQAir рейтингида дунё шаҳарлари орасида ҳавосининг тозалиги бўйича 12-ўринни банд этди. Назаримда, тоза ҳаводан наинки аҳоли, балки бутун табиат ҳам яйраб-яшнагандай бўлди.

*Давоми 2-бетда*

## Инсон қадри учун

# ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТИ КЎЗЛАНГАН ЯНГИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ КЕНГАШИНИНГ VII МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борган мажлисда ташкилотнинг Назорат-тафтиш комиссияси, касаба уюшмалари республика ва ҳудудий кенгашлари раислари, тизимдаги масъул ходимлар иштирок этди.

Дастлаб “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг 2023 йил якуни юзасидан ижроси ва 2024 йилдаги асосий вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Таъкидланганидек, 2023 йил ҳам янги Ўзбекистоннинг миллий юксалиш тарихида ўзига хос муҳим тарихий воқеаларга бой бўлди. Президентимизнинг мустаҳкам сиёсий иродаси, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳот ва ташаббуслари, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан улкан ютуқларга эришилди.

*Давоми 2-бетда*

Мутахассислар фикрича, аҳоли эҳтиёжлари доимий равишда ўсаётган бир пайтда моддий неъматлар яратилиши арифметик шаклда кўтарилиб бормоқда. Ўртадаги тафовут табиий ресурслардан янада кенг ва кўпроқ фойдаланишни тақозо этяпти. Натижада атмосферага янада кўпроқ чиқиндилар чиқишига сабаб бўлмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

Бугуннинг гапи

# АҚЛ КЎЗИ ТЎҒРИ БЎЛСА
## тоза ҳаводан кўнгил яйрайди

Бошланиши 1-бетда

29 январь куни Президентимиз раислигида уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ҳамда экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда экологияни асраш бугунги кундаги энг долзарб масала сифатида таҳлил қилиниб, бунинг асосий сабаблари кўрсатиб ўтилди.

Юртимизда 2020 йилдан буён 22 мингта янги саноат корхонаси ишга тушган. Умуман, айни пайтда саноат корхоналари ва автомобиллардан атмосферага йилига 2 миллион тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқяпти.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг яқинда эълон қилинган маълумотларига қараганда, ҳавонинг тозалиги транспорт воситаларининг экологик даражаси, фойдаланилаётган ёқилғи ва йўл ҳаракатини ташкил этиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга кўра, республикамизда автомобиллар сони 2021 йилда 3,14 миллион донани ташкил этган бўлса, 2023 йилда 4,6 миллион донага етди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бир кунда ўртача 730 мингта автотранспорт ҳаракатланиши баробарида қўшимча равишда ҳудудлардан 160 мингдан 300 минггача ҳар хил русумдаги автомобиль кириб келади. Халқаро стандартларга тўғри келмайдиган АИ-80 маркали бензиндан фойдаланаётган техника воситалари эса атмосферага меъёридан ортиқ зарарли ташламалар чиқармоқда.

Пойтахтда транспорт ва пиёдалар оқими кесишмалари сони камайтирилмаган, йўл ҳаракати тўғри ташкил этилмаган. Натижада тирбандлик кўп кузатилмоқда. Тўхтаб турган автомобиль эса ҳаракатланаётганига нисбатан атмосферага кўпроқ ташлама чиқаради.

Ҳудудлардаги айрим корхоналарда ҳалигача 10 йилдан ортиқ ишлатилаётган чанг-газ тозалаш ускуналаридан фойдаланиб келинади. Саноат корхоналари “оёққа туриши” учун кўплаб енгиллик ва имтиёзлар берилгани, лекин уларнинг айримлари солиқлару атроф-муҳитни ҳимоя қилишни ўйламаётгани кўрсатиб ўтилди. Кўп ҳолларда қурилиш объектлари ва лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказилмаяпти.

Шунинг учун 1 апрелдан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг ҳаво, сув ва атроф-муҳит ифлосланиш даражасига қараб тузиладиган рейтинги жорий қилиниши белгиланди. Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ҳамда саноатлашган 20 та туманда автоматик ҳаво мониторинги станцияларини ўрнатишнинг бошланиши эса экологик ҳолатни жамоатчилик томонидан ҳам кузатиб бориш имконини беради.

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатилиши ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Пойтахт кўчаларида оғир юк машиналари ва ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошган автомобиллар ҳаракати босқичма-босқич чекланиши ҳам анчадан буён ҳал этилиши кутилаётган масала эди.

Видеоселектор йиғилишида 2025 йил 1 январдан АИ-80 маркали бензиндан воз кечиш масаласини ҳал этиш, Тошкент шаҳри жамоат транспортини электр ва газга ўтказиш чораларини кўриш бўйича топшириқ берилгани кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Бундан ташқари, “яшил” энергетикани қўллаб-қувватлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларни камайтириш мақсадида аҳолининг электромобилларга ўтишини рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Шу жиҳатдан олганда, бундай автомобилларни ўзимизда ишлаб чиқаришга эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга молик. Бинобарин, Президентимиз ХХРга давлат ташрифи чоғида “BYD” компанияси билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида йилига 50 минг дона гибрид ва электр автомобиль йиғиш лойиҳасини ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди. Яқин истиқболда бозордаги талабдан келиб чиқиб, моделлар қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини йилига 300 минг донагача ошириш таклифи илгари сурилди.

Эндиликда йирик саноат ва барча цемент корхоналарида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилади, эскилари алмаштирилади. Қурилиш материаллари, энергетика, металлургия корхоналари томонидан 5 гектардан “яшил белбоғ” яратилиб, жами 10 миллион туп дарахт экилади.

Келгуси беш йилда Тошкент шаҳри ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 3 минг гектар “яшил белбоғ” ва 200 гектар “яшил боғ” ташкил қилинади.

Мутахассислар фикрича, аҳоли эҳтиёжлари доимий равишда ўсаётган бир пайтда моддий неъматлар яратилиши арифметик шаклда кўтарилиб бормоқда. Ўртадаги тафовут табиий ресурслардан янада кенг ва кўпроқ фойдаланишни тақозо этяпти. Натижада атмосферага янада кўпроқ чиқиндилар чиқишига сабаб бўлмоқда.

Халқимиз азалдан атроф-муҳитни асраб-авайлаган, ҳатто хазон ва баргларни ёқишга, далаларни турли ёввойи ўт ва ҳашаротлардан тозалаш учун ўт қўйишга йўл қўймаган.

Табиат ва ўзимиз тасдиқлаган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшасак, ақл кўзи билан атроф-муҳитга муносабатда бўлсак, уни асраб-авайлаш, тежашга тарғиб қилсак, умримизга умр қўшилаверади, фарзандларимиз соғлом вояга етади, келажак авлодлар олдида қарзимиз бўлмайди.

**Тоҳир ДОЛИЕВ,**
*журналист*

Муносабат

# СИФАТ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Одамлари қадрланган юртда улар учун муносиб ҳаёт шароити яратилади. Қатъий ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон ана шундай инсонпарвар мамлакатлар сирасига киради. Нимага бундай деяпман? Келинг, саволга жавобни ўзим фаолият юритаётган соҳа — қурилиш-бунёдкорлик ишлари мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилсак. Аввало, бунинг учун айрим рақамларни келтириб ўтиш жоиз.**

**Тоир АЛИМАТОВ,**
*қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги вазири ўринбосари*

Аслида, мисол сифатида қайд этмоқчи бўлган рақамлар унчалик ҳам кўп эмас, бир йиллик айрим кўрсаткичлар. Мамлакатимизда ўтган йил жами қурилиш ишлари ҳажми 140 триллион сўмдан ошди. Бунда, асосан, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа, инфратузилма объектлари, муҳандислик коммуникациялари ва йирик ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилди. Республикамизнинг 40 та ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши жадал олиб борилди.

Умуман олганда, 2023 йилда уй-жой қуриш ҳажми 1,5 бароборга ортиб, 90 минг хонадонли уйларда қурилиш ишлари ташкил этилди. Инвестиция дастури асосида 2535 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилиб, мазкур мақсадлар учун 18 триллион сўм маблағлар йўналтирилди. Бундан кўринадики, қанчадан-қанча оилалар уйли, ҳудудлар обод манзилларга айланди.

Ўз уйига эга бўлишни тўкис ҳаёт мезонларидан бири, десак, мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қанчалик долзарб ва муҳим вазифалар эканини англаб олиш қийин эмас. Аслида, рақамларнинг аҳамияти ҳам шунда. Булар яхши, албатта. Лекин куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йилда уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, ушбу йўналишларда камчиликлар ҳам кам эмас. Президентимиз уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, бартараф этиш чораларини айтди. Соҳага замонавий стандартларни жорий қилиш орқали сифатни ошириш давр талабига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Шунга кўра, эндиликда лойиҳа қилишдан бошлаб, объектни фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёнлар, уларнинг назорати янгича ташкил этилади. Энг аввало, келгуси йил 1 январдан барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ишларни амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилишда “ресурс усули”дан воз кечилиб, “ҳажм усули”га ўтилади. Қурилишда тузиладиган барча шартномалар рақамлаштирилади. Пудратчи ташкилотлар бажарган қурилиш ишлари фақат солиқ органига тақдим этилган электрон ҳисоб-фактурадан келиб чиқиб молиялаштирилади. Объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилиб, далолатномалар “Шаффоф қурилиш” орқали тасдиқланади. 10 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳалар бўйича субпудратчиларни фақат “Шаффоф қурилиш” тизими орқали танлаш тартиби йўлга қўйилади. Ушбу тартиб халқаро молия ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳаларга ҳам татбиқ этилади. Ишлаб чиқарувчи ҳам, қурувчи ҳам, назорат қилувчи ҳам қаерда қайси қурилиш материали қанча пул туришини онлайн кузатиб борадиган тизим яратилади.

Вазирлигимизда тузиладиган Лойиҳа офиси қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг хавфсизлик ва энергия тежамкорликка жавоб беришини, қиймати сунъий ошиб кетмаганини баҳолаб боради. Ҳар йили мактаб, боғча, тиббиёт, йўл, ичимлик сув ва иссиқлик таъминоти каби соҳаларнинг ҳар бирида камида 2-3 тадан намунавий лойиҳа ишлаб чиқилади. Бундан буён Лойиҳа офисининг тавсияси бўлмаган лойиҳа ҳужжатлари давлат экспертизасига қабул қилинмайди.

Бюджет ҳисобидан қилинадиган барча харидлар Солиқ қўмитасининг “E-омбор” платформаси орқали амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан ва ноқонуний қурилган объектларни тартибга олиш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилинади. Бунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва “Ўзбеккосмос” бошчилигида республика комиссияси тузилади.

Умуман олганда, республикамизда жорий йилда бажариладиган қурилиш ишлари кўлами ҳам анча кенг. Хусусан, 149,9 триллион сўм ҳажмдаги пудрат ишлари амалга оширилади. Жами 169 та аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан, 5 та шаҳар ва 48 та шаҳарчанинг бош режаси ва 116 та қишлоқ схемалари ишлаб чиқилади. Қурилиш соҳасига оид норматив талабларни соддалаштириш мақсадида 38 та шаҳарсозлик норма ва қоидалари ҳамда 30 та стандарт ишлаб чиқилади. Бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа хавфлар бўйича синов ишларини ўтказиш учун Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига чегарадош ҳудудида махсус полигон барпо этилади. Мақсадли дастурлар доирасида жами 1,5 мингта ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда 80 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, 45 та “Янги Ўзбекистон” массивларида 635 та кўп қаватли уй қурилади. Ҳудудлардаги 3863 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Инвестиция дастури доирасида 9 та қозонхона ва 79 километрдан иборат иссиқлик тармоқларида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилади. Натижада ҳудудлардаги кўп қаватли 475 та уй ва 41 та ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланади.

Соҳани рақамлаштириш даражасини ошириш мақсадида иссиқлик таъминоти соҳасига биллинг тизими жорий қилинади. “Шаҳарсозлик геоахборот тизими”, “Менинг ҳудудим” электрон платформаси ҳамда Инструментал-техник текширув ва Муҳандислик-геологик тадқиқотлар натижалари бўйича ягона реестрлар ишга туширилади. Бу каби ишлар видеоселектор йиғилишида айтилганидек, пировардида, сифатни асосий кўрсаткичга олиб чиқиши керак. Чунки сифат ишончни мустаҳкамлайди.

Инсон қадри учун

# ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТИ КЎЗЛАНГАН ЯНГИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, 30 апрель куни мамлакатимиз тарихида илк бор умумхалқ референдуми асосида янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун муддатидан илгари сайлов ўтказилди. Ушбу икки муҳим сиёсий воқелик халқимизнинг нечоғлиқ якдиллиги, кенг кўламли ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди.

Якунланган йил касаба уюшмалари фаолияти учун ҳам самарали ўтди. Хусусан, тизимдаги ташкилотлар томонидан ижтимоий шериклик кўламини ошириш, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Федерация меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларида фаол иштирок этиб, ижтимоий-меҳнат соҳасига доир 150 та норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан таклифлар берди. Касаба уюшмалари меҳнат инспекторлари 3000 га яқин корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказди ва бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 55 фоизга ортди. Бу жараёнда ходимлар манфаатларига доир меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши доимий эътиборда бўлди. Натижада 4800 дан зиёд мурожаат кўриб чиқилди ҳамда 141 минг 783 фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 64 миллиард 696 миллион сўмдан зиёд зарар ундирилишига эришилди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш борасидаги ишлар ҳам фаол йўлга қўйилди.

Корхона ва ташкилотлар касаба уюшмаси ҳамда иш берувчи ўртасида ижтимоий ҳимоя тизими ва ижтимоий шериклик мустаҳкамланмоқда. Буни 2023 йилда бир ходимга йил давомида жамоа шартномаси орқали ўрта ҳисобда сарфланган маблағ 7,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этганида ҳам кўриш мумкин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, гендер тенгликни таъминлашга кўмаклашиш йўналишларида



**2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 6 тоифа бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган 993 мингдан зиёд хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 423 минг 196 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 49 мингга яқин хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун кредитлар ажратилди.**



ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йилда Федерациянинг ишонч телефонига хотин-қизлардан тушган жами 26 минг 864 мурожаатда кўтарилган муаммолар ҳал этилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 6 тоифа бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган 993 мингдан зиёд хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 423 минг 196 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 49 мингга яқин хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун кредитлар ажратилди. Уй-жойга муҳтож бўлган 8656 хотин-қизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилди. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 86 минг 335 хотин-қизга моддий ёрдам берилди.

Ишчи-ходимлар ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишлари ҳам касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлди.

Ўтган йилларда тизимдаги санаторийлар ва улардаги ўринлар сонини ошириш борасида олиб борилган ишлар бугунга келиб ўз натижасини бермоқда. Хусусан, 2023 йилда Федерация тизимидаги санаторийлар сони 31 тага, улардаги ўринлар сони 6753 тага етди. Бу эса санаторийларда йил давомида 200 мингга яқин дам олувчини, жумладан, 61 минг 279 нафарини имтиёзли ва 3561 нафарини бепул йўлланмалар асосида соғломлаштириш имконини берди.

Эътиборли жиҳати, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 200 дан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда уларнинг кузатувчилари давлат бюджети ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. “Саховат” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга йўлланмалар ажратилди. Ташкилотларда ишловчи пенсионерлар ҳамда касаба уюшмалари аъзоларининг пенсиядаги ота-оналари имтиёзли, ишлайдиган пенсионерлар бепул йўлланмалар билан таъминланди. Кам таъминланган, кўп болали оилалардаги хотин-қизлар, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда ёш оилалар вакилларидан 888 нафари ижтимоий акциялар доирасида бепул йўлланмалар билан соғломлаштирилди.

Шунингдек, “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари тарбиячилари, умумтаълим муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагоглардан қарийб 2130 нафарига ҳам бепул йўлланмалар тақдим этилди.

2023 йилги ёз мавсуми даврида 1118 оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 331 минг 711 нафар бола соғломлаштирилди. Шундан, 196 та стационар турдаги оромгоҳда 157 минг 793 ва 922 та соғломлаштириш майдончаларида 173 минг 918 бола дам олдирилди. Шунингдек, халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида тожикистонлик 50 ўғил-қиз Фарғона вилоятидаги “Товул” оромгоҳида, қирғизистонлик 50 нафар бола “Тонг” оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказди. Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг ҳамда Хоразм вилоятидан 1500 нафар болажонлар ўз ҳудудларининг энг яхши стационар турдаги оромгоҳларида бепул соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири



бўлган халқаро ва миллий меҳнат стандартларини жорий этишга кўмаклашиш соҳасидаги ишлар ҳам тизимли давом этмоқда.

Мажлисда жамоа шартномалари сифатини янада ошириш, иш ҳақи бўйича жамоатчилик назорати ҳамда меҳнат муҳофазасига оид талабларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги Ёшлар бирлашмалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни ёшларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш бўйича белгилаб олинган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишига эришиш зарурлиги қайд этилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2024 йилда касаба уюшмалари олдида турган асосий устувор вазифалар белгилаб олинди. Жамоа келишувлари, шартномаларини тузиш ва рўйхатга олиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш, Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида ёшларни касаба уюшмаларига фаол жалб этиш, бу орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудитни ўтказиш амалиётини янада кенгайтириш, Президентимизнинг 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берган вазифаларидан келиб чиқиб, касаба уюшмаси ташкилотларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Мажлисда “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг янги таҳрирдаги Низоми ва кенгаш таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг айрим ваколатларини Ижроия қўмитага бериш тўғрисида”ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бош кенгаш мажлисида касаба уюшмалари тизимида ижтимоий объектлар, хусусан, санатор-курорт муассасалари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари қурилиши борасидаги ишлар танқидий таҳлил этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари*

**Ўша йили пахта терими 22 декабргача давом этди. Бу орада Бойбўта домланинг бир тола ҳам пахта қолмаган дала четларидаги шивир суҳбатлари боис, кўпларимиз Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори каби маърифатпарвар боболар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Баъзи талабалар улар қаламига мансуб ижод намуналарини бошқаларга кўз-кўз қилмай ўқишди. Аммо ҳеч биримизда, буни очиқ айтиш керак, улар нега қатағонга учради, гуноҳлари не эди, деган савол туғилмади.**

## Маънавий тараққиёт

# ЮЗИМНИ ЎТ ЭМАС, ГУЛГА БУРГАНМЕН…

## ёхуд қалбимизда миллий ғурур ва юртга муҳаббат ҳисси қандай улғайган эди?






**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

**Бошланиши 1-бетда**

Бойбўта домла ашула айтмайди, аскияга қўшилмайди, бир оз "қизиб" олганидан кейин, шунда ҳам аввал у ёқ-бу ёққа бир қараб олгач, паст овозда баъзиларимизга ўша пайтлари номи ҳам таниш бўлмаган шоир Чўлпоннинг шеърларидан ўқиб, юракларни сел қилади.

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,*
*Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.*
*Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,*
*Айтадир: мен уни тушда кўрамен.*
*Тушимда кўрамен — шунчалар гўзал,*
*Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал…*

Шеърни бор вужудимиз билан эшитамиз. Биз ҳам кўкка кўз тикиб, хаёл тулпорига миниб, юлдузлардан бир нималарни сўраймиз. Бирор кимса халақит бермаса, домла бошқа шеърларга ўтади. Бизга эмас, ўзи учун, ажиб бир соғинч, эҳтиёжу ўкинч билан ўқийди, маъюс овозидан ажиб энтикишнинг саси келади:

*Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганмен,*
*Улфат диёрига маскан қурганмен,*
*Юзимни ўт эмас, гулга бурганмен,*
*Самовий завқларга тўлиб турганмен*
*Булбуллар севгини мақтаган дамда!*
*Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,*
*Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан,*
*Қалблар юмшагуси сайрашларимдан,*
*Севги чаманида яйрашларимдан*
*Жаннатлар яратгай ташланган жанда.*
*Тилинган тилларга қон югургуси,*
*Бўшалган инларга жонлар киргуси,*
*Тиканли боқчалар чечак кўргуси,*
*Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси*
*Жандалар танимга теккан кунларда!..*

Шеърни мароқ билан эшитамиз. Юқори курс талабалари баҳсга тушиб кетади: "Кимнинг тили тилинди экан, ким тилибди", "бўшалган инлар" нима дегани, "тиканли боқчалар" деганда шоир нимани кўзда тутди экан-а?

Бойбўта домла ҳаяжон билан ўқишда давом этар экан, баъзиларимиз сал ҳушёр тортгандай бўлиб, у ёқ-бу ёққа қараймиз. "*Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғулғонсен*" деган сатрлар қулоғимизга ҳадикдай эшитилади. Негаки, чўл оқшомидаги бу шеърхонлик кеча яқинда эмас, мустақиллик арафасида ҳам эмас, узо-оқ 1969 йилнинг кузида — совет тузуми гуллаб-яшнаётган, партия қарорлари ҳаётимизнинг мақсад-муддаосига айланган пайтда бўлаётган эди-да. Биз-ку биринчи курс талабаларимиз, баъзи ўқитувчилар ҳам бир-бирларига зимдан қараб, "Қанақа кишан, қанақа ҳурлик, ахир бундан ҳам ортиқ фаровон ҳаёт, адолатли, инсонпарвар тузум бўладими?", дея елка қисишганига гувоҳ бўлганман.

Бир куни кутилмаган воқеа юз берди. Ўн кунлик меҳнатимизга озроқ пул олган эдик, пахта даласининг бир четида қоғоздан дастурхон ёзиб, Бойбўта акани меҳмон қилдик. Бир-икки шиша мусаллас дала шароитида ёғдай кетди. Домла ёзилиб ўтирди. Суҳбат қизиди. Шеърхонлик бошланди: Чўлпон. "Бузилган ўлкага":

*Сенинг қаттиқ сир-бағрингни*
*кўп йиллардир эзганлар,*
*Сен безсанг-да, қарғасанг-да,*
*кўкрагингда кезганлар.*
*Сенинг эркин тупроғингда*
*ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,*
*Нега сени бир қул каби*
*қизғанмасдан янчалар?*
*Нега сенинг қалин товшинг*
*"кет!" демайди уларга?*
*Нега сенинг эркли кўнглинг*
*эрк бермайди қулларга?..*
*Нима учун кўзларингда*
*туташгувчи олов йўқ?*
*Нима учун тунларингда*
*бўриларнинг қорни тўқ?..*

Суҳбат қизиб кетиб, даврамизга талабаларни ҳар эҳтимолга қарши узоқ-яқиндан кузатиб юрадиган "зийрак" домлалардан бири келиб қўшилганини сезмай қолибмиз. Кутилмаганда: "Шу ғоявий зарарли шеърни талабаларга нега ўқиб беряпсиз, нима, буларнинг ҳам онгини заҳарламоқчимисиз?", деб Бойбўта акага ташланиб қолса бўладими. Домла бўш келмади, "Фақат шу шеърни эмас, бошқаларини ҳам ўқияпмиз, мана эшитинг", деб Пушкиннинг Чўлпон таржимасидаги "Булбул ва гул" шеърини баланд овозда ўқиди...

Ўша йили пахта терими 22 декабргача давом этди. Бу орада Бойбўта домланинг бир тола ҳам пахта қолмаган дала четларидаги шивир суҳбатлари боис, кўпларимиз Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори каби маърифатпарвар боболар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Баъзи талабалар улар қаламига мансуб ижод намуналарини бошқаларга кўз-кўз қилмай ўқишди. Аммо ҳеч биримизда, буни очиқ айтиш керак, улар нега қатағонга учради, гуноҳлари не эди, деган савол туғилмади. Бундай саволнинг ўзи йўқ эди. Бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки бутун жамият ғайрат-шижоат билан коммунизм қураётган, дунёда тенгсиз фаровон ҳаёт онлари яқинлашаётган, Мирзачўлда ва бошқа жамики пахта далаларида бутифос деб аталмиш заҳри қотил ўз ишини қилиб, оналар ва болалар ўлими кун сайин кўпаяётган, буни кўриб, билиб турсак ҳам, қарсакбозликда ҳеч кимдан қолишмаётган эдик.




Бугун "жадид" сўзининг маъносини билмаган зиёли қолмади десак, муболаға бўлмас. Кеч, жуда кеч бўлса-да, тушуниб етдик. Бошқа юртларнинг куйинчак олимлари ҳаётлик чоғларида ҳам, аянчли тақдирларидан сўнг ҳам бирор рўшнолик кўрмаган жадид боболаримиз ҳақида қайғуриб, улар қолдирган мерос деярли унутилиш остонасига келиб қолганидан афсусланиб, илмий тадқиқотлар олиб боришаётганида, биз — кўзи юмуқлар "узумимизни ширин қилган партияга минг раҳмат", деб юраверибмиз. Яқин-яқингача бу сўз, айрим кекса устозларнинг "шивир-шивир"ларини инобатга олмасак, истеъмолда деярли йўқ эди. 1992 йили АҚШнинг Колумбия университетида бўлиб, машҳур тарихчи олим Эдвард Олворт раҳбарлик қилаётган кафедра тадқиқотчилари, талабалар билан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ҳақида эълон қилган мақолаларимиз хусусида суҳбат ўтказганимда, Эдвард домла газетамизни "Ўзбекистондан эса бошлаган бир қултум тоза ҳаво", деб таърифлади, бундан хурсанд бўлдим, аммо ёш тадқиқотчиларнинг "Мустақил Ўзбекистоннинг жадидларга, қўрбошилар раҳбарлигидаги миллий-озодлик ҳаракатига муносабати бундан буён қандай бўлади, ижобий томонга ўзгарадими?", деган саволига жўяли жавоб бера олмаганман. Ватанга қайтгач, шу масалада Бойбўта ака билан кўп гаплашдим, газетада Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Абдулла Авлоний ҳақида янада кўп мақолалар бериш зарурлигини айтди. Шундай қилдик ҳам. Аммо орадан кўп ўтмай мени катта идорага чақиришди. Жуда оғир суҳбат бўлди. Ўша кезлари мамлакатнинг мафкуравий сиёсатига кучли таъсир ўтказиб турган таниқли давлат ва жамоат арбоби менга ғазабнок оҳангда: "Сиёсий ғўрлик қилма, бола, Усмон Носир ва у кабилар фалончи шоирнинг бир тукига ҳам арзимайди", деди. Тўғриси, вужудимни қўрқув босди. Тушкун аҳволда ишхонага келдим. Узоқ ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди. Ё янги йўлни давом эттиришимиз, ё бўлмаса, эски "услуб"га қайтишимиз керак. Давр шиддати, уйғонаётган фикр ва виждон ортга қайтишга йўл бермаслиги аниқ эди. Шу боис, журъатли позициямизда собит турдик. 1992 йили 8 саҳифали газетанинг адади 886 минг нусха эди.

Бундай шароитда газетани бошқариш осон эмасди. Жуда кўп манбаларни ўқидим. Билмаганларимни сўрашдан орланмадим. Бойбўта домланинг тавсияси билан Фитратнинг "Шарқ сиёсати" асарини ўқиб чиқдим ва то ҳануз шу асар таъсирида юраман, мақолаларимда ундан иқтибослар келтираман: "Африқоға кирган



мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон маданий овруполилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар, — деб ёзади муаллиф. — Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамлар етуштирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи... билан юксалмиш. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди... Шарқ билим, ҳунар йўлинда Оврупа жаҳонгирлари (каби) ўртоқ қони(ни) ичмак, орқадош уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришарди...".

Орадан кўп йиллар ўтди, ниҳоят, узоқ йиллик машаққатли изланишнинг самараси кўринди. Дўстқораев диссертацияни қойилмақом қилиб ёқлади. Домладан сабоқ олганлар худди ўзимиз ёқлагандек хурсанд бўлдик. Фақат бир савол жавобсиз қолди — ҳимоя нега чўзилди?

Бунинг сабабини кейинроқ англаб етдик. Бойбўта аканинг матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақоласи ойлар, йиллар давомидаги машаққатли изланиш самараси десак, муболаға бўлмайди. Изланишлар натижасида аниқлаган ноёб ҳақиқатлардан бохабар бўлганлар, матбуотимиз тарихига доир анжуманлардаги маърузаларини тинглаганлар ва ниҳоят, кўпчилик орзиқиб кутган "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" номли йирик монографияни ўқиб чиққанлар гап нимадалигини сўзсиз англашди: Дўстқораев диссертация ёзишда олимлик масъулиятини, илмий ҳалоллик ва ростгўйликни, бирламчи манбалар билан ишлаш талабларини унутмаган ва бунга қатъий амал қилган экан. Бундай одам бирор нарса қораламоқчи бўлса, бугунгидек енгил-елпи йўллардан юрмайди, бировларнинг фикрини сурбетларча ўзлаштирмайди, кўп вақтини кутубхонада ўтказади, бирламчи манбаларни бир-бирига солиштириб ўқийди, ўзаро мос келмайдиган чалкаш фактлар, маълумотларни таҳлил тарозисидан ўтказади, билиб-билмай қилинган янглиш рақамларга аниқлик киритади. Бу ишидан олим сифатида ўзи завқ олади. Бундай тадқиқотчининг ишини ошнинг гуручини эринмай, битта-битталаб тераётган, шоли билан курмакни бир четга суриб қўяётган маҳоратли ошпазнинг меҳнатига ўхшатиш мумкин.

Бойбўта Дўстқораев илм уммонидаги қанча-дан-қанча қобиғи арчилмаган шоли доналарини ташлаб юбормай, тозалаб, илмий истеъмол қозонига солди. "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" монографиясида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Фақат шу эмас, домла қаламига мансуб "Туркистон жадидларининг йирик сиймоси", "Муроди ҳақ йўлида жон фидо этиш эди", "Бухорода миллий матбуотнинг юзага келиши", "Фарғонада миллий матбуотнинг юзага келиши ва шаклланиш йўллари", "Тараққий" бошлаб берган ёрқин йўл" каби кўплаб тадқиқотлари бугун ҳам илм аҳлининг диққат-эътиборида.

Бойбўта домла ана шундай фидойи, эриниш нималигини билмайдиган, фақат ўзи кўрган, билган ва қатъий ишонч ҳосил қилган нарсалар тўғрисида фикр юритадиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам мантиққа асосланадиган олимлар сирасига кирарди. Илмини бўлар-бўлмасга кўз-кўз қилмади, ҳуда-беҳуда минбарга интилмади, "Бу гапни, мана, мен айтяпман, бошқа ҳеч ким айтган эмас", дея ўзидан аввалги тадқиқотчи устозларга ҳурматсизлик қилмади, аксинча, уларнинг иззат-икромини жойига қўйиб иш тутди. Бетоблигига қарамай изланишларини давом эттирди.

Ҳозир миллий матбуот тарихига бағишланган йиғинларда айрим ёш тадқиқотчиларнинг ҳиссиётлари ортиқча жўшганида кўз ўнгимизда Бойбўта домланинг вазмин қиёфаси намоён бўлиб, ўрни жуда билинади. Бугун ҳақиқий ва зарур илм билан шуғулланиш учун керагидан ортиқ даражада шароит бор, илмга иштиёқманд ёшларни қўллаб-қувватлаш авжида. Бир вақтлар биргина номзодлик ишини ҳимоя қилиш учун камида ўн йил вақт керак бўларди. Муқим яшаш жойи йўқ, камхарж кўплаб тадқиқотчилар бунга дош беришолмасдан илмни ташлаб кетган.

"Ўзбекистон журналистикаси тарихи" бугун мамлакатимиз олий ўқув юртлари журналистика факультетларида талабалар учун энг зарур дарсликлардан бири бўлиб турибди. Бу китобнинг қиммати унинг мазмунан мукаммаллиги ва... илмий одоб билан ёзилганида. Бундай китобларга эҳтиёж жуда катта. Унда миллий матбуотимизнинг илк қалдирғочлари тарихи, Туркистон жадидлари, жасоратли муҳаррирлар ижодидан намуналар келтирилган. Саналар, факт ва рақамлар аниқ берилган. Бугун журналистика соҳасига келаётган ёшлар, мустабид тузум ва истиқлол йиллари матбуотини қиёсий ўрганаётган тадқиқотчилар учун ғоят муҳим манбалар, асослар, иқтибослар келтирилган. Газетачилик иши, ҳақиқатни ёзиш, уни ҳимоя қилиш, янги ҳур фикрларга йўл бериш, ижтимой адолат учун курашиш ҳамма замонларда ҳам осон бўлмаган. Буни қуйидаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

"Тараққий" газетаси. "Бу газета тез фурсатда шундай шуҳрат қозондиким, ҳатто газета муҳаррири бўлғон Исмоил Обидийга "Тараққий" исми (нисбаси) берилди... Бу газета элнинг энг суйиб ўқийдурғон бир газетаси бўла олди. Бу газета ўша замон мусулмон газеталари ичида энг сўли бўлиб, ҳукумат ва унинг маъмурларига қарши ҳужум очди. Бу газета ерлик ёш ёзувчиларға саҳифасидан кенг ўрун берди. Истибдод ҳукуматининг фавқулодда сақлаш (чиризвичайний охран) қўли билан бу газета "ўлдирилди".

"Тужжор" газетаси. Тошкентнинг машҳур бойларидан Саидкаримбой Саидазимбой ўғли томонидан нашр қилинган.

"Самарқанд" газетаси. "1913 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан форсий-ўзбек тилларида чиқарилиб, халқнинг кўзини очишга анчагина сабаб бўлган".

"Садои Туркистон". Бу газета 1914 йили Тошкентда юрист Убайдуллахўжа Асадиллахўжа ўғлининг масъул муҳаррирлигида чиққан. Баъзи манбаларда у ўзбек ёшлари томонидан чиқарилган газеталарнинг энг узоқ давом этгани айтилади. Бойбўта домла бирламчи манбаларни синчиклаб ўрганар экан, юқоридаги фикр хато эканини аниқлайди ва "Садои Фарғона" газетаси "Садои Туркистон"дан узоқроқ вақт чиқиб турганини қайд этади. Фақат шу эмас, домла тадқиқотларда йўл қўйилган бошқа кўплаб ноаниқликларни ҳам топади. Жумладан, 1917 йили Абдулла Авлоний муҳаррирлигида чоп этилган "Турон" газетасининг иккинчи сонида эълон қилинган Мирмуҳсиннинг "Икки тарихий воқеа" сарлавҳали мақоласи "Уламо" жамияти ва баъзи Шўрои исломия аъзоларини жунбушга келтиради. Газетага жиддий ҳужум бошланади. Мирмуҳсин ва Авлонийни тошбўрон қилмоқчи бўладилар. Авлоний тавба-тазарру қилади, ундан газета чиқармаслик ҳақида тилхат оладилар. Қочиб кетган Мирмуҳсинни ушлаб келиб, қамоққа олишади. Газетага Низомиддин мулла муҳаррир бўлади. Йигирманчи сони чиққанидан кейин уламоларнинг таъсири билан номи "Турк эли" бўлиб ўзгаради. Бойбўта домла айрим манбаларда ушбу газета номи "Турк сўзи" деб нотўғри кўрсатилганини аниқлайди.

"Улуғ Туркистон". Бу газета Тошкент шаҳрида 1917 йили Кабир Бакир муҳаррирлиги остида чиққан. У татар тилида бўлса ҳам ўзбеклар тушунадиган даражада содда эди. Шу боис, у ўзига халқни тез жалб қилиб олди. Бу газетанинг катта бир хизмати — маҳаллий ёшлардан бир қанча қаламкашларни тарбиялаб етиштирди".

Домланинг "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" китоби хусусида таниқли ёзувчи Хайриддин Султон "Туркистон қайғуси, Туркистон дарди" мақоласида шундай фикр билдиради: "Агар бу китоб қайта нашр этиладиган бўлса (бунга ҳозир жуда катта эҳтиёж мавжуд — А.М.), устознинг шогирдлари, фарзандлари томонидан муаллифнинг шахсий архивида қолган қўшимча материаллар билан тўлдирилиб, бойитилиб чоп этилса, айни муддао бўлур эди".

Бойбўта домланинг умри илм қозонида қайнаш, изланиш билан ўтди. Унинг хотирасини бизга қолдириб кетган илмий мероси билан бирга бугун тақчиллашиб бораётган тадқиқотчилик одоби, заҳматли меҳнати безаб турибди. Энг муҳими, филология фанлар доктори Ҳалим Сайид бошчилигидаги садоқатли шогирдлари устознинг ҳурматини жойига қўйишди, меҳнатлари эътибор ва эътирофда бўлди, илмий ишлари ўқув дарсликларидан жой олди.

## Дахлдорлик туйғуси

# ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

## УНИ ТАШҚАРИДАН ИЗЛАШ КЕРАКМАС

**Фируз УСМОНОВ,**
*Миллий ҳарбий меросни ўрганиш маркази катта илмий ходими, истеъфодаги генерал-майор, доцент*

**Халқимизнинг бой тарихида жаҳон ҳарбий санъати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк саркардалар — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аждодларимизнинг қўшинида мавжуд ҳарбий анъаналар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг жангда қозонган ғалабалари, биринчи навбатда, қўшиннинг юқори жанговар руҳи ва қўмондонларига чексиз садоқати эвазига қўлга киритилган. Жангчиларнинг матонати ва жасорати туфайли ғалаба билан бирга юришларнинг ҳарбий-стратегик ва сиёсий мақсадларига ҳам эришилган.**



Буюк аждодларимизнинг сиёсий ва саркардалик фаолияти барча даврларда тарихчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб борилган. Жумладан, Европада машҳур муаррихлар ўз асарларида Амир Темурни давлат арбоби сифатида яққол кўрсатиб, йирик ҳарбий юришларини тасвирлаган. XIX асрдаги рус олимлари ҳам Соҳибқироннинг ҳаёти ва саркардалик фаолиятини ўрганиб, ёритган. Лекин улар боболаримиз фаолиятини бир томонлама — Чор Россияси манфаатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаган. Собиқ иттифоқ даврида эса буюк аждодларимизнинг фаолияти салбий нуқтаи назардан ёритилган, уларнинг стратегияси ва тактикаси ҳатто олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам деярли ўрганилмаган.

Ватанимиз мустақилликка эришиб, миллий армиямиз ташкил этилиши билан халқимизнинг асл тарихини тиклаш ва чуқур ўрганиш, ҳарбий хизматчиларни юртимиз озодлиги йўлида буюк қаҳрамонлик ва фидойилик кўрсатган аждодларимизнинг бой меросига асосланган ҳолда тарбиялаш энг долзарб ва муҳим вазифалардан бирига айланди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар бошланди.

Мамлакатимизда жойлашган барча ҳарбий қисм ва ҳарбий билим юртлари давлатимиз тасаррруфига ўтказилгандан кейин курсантлар ва ҳарбий қисмларда мажбурий ҳарбий хизмат ўтаётган аскарларга ўз Ватанига —Ўзбекистон Республикасига садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини сингдириш зарурати туғилди. Шу сабаб давлатимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш, архивлардан чиқариш, қадимги аждодларимиз — Тўмарис, Широқ ва Спитамен қаҳрамонлиги, ўрта асрлардаги буюк саркардаларимиз Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг ҳарбий санъатини ўрганиш, тадқиқ этиш ва оммалаштириш биринчи навбатдаги мақсад бўлди.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тарихимиздаги бой ҳарбий меросни чуқур ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш вазифалари аниқлаб олинди. Тарихимиз ва бой миллий ҳарбий меросимизни тиклаш, ўтмишимиз қаҳрамонлари, саркардаларимизнинг ҳукмронлик фаолияти йилларида давлат равнақида тутган ўрнини очиб бериш ва шу тариқа уларнинг қаҳрамонона ўтмиши мисолларида ёшларимизни Ватанга муҳаббат, юксак ҳарбий-ватанпарварлик ва халқига фидойилик руҳида тарбиялаш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бу мураккаб ишда кўплаб академиклар, тарихчи олимларнинг хизмати катта. Хусусан, академик Бўрибой Аҳмедовнинг Амир Темур ҳарбий санъати, юришлари ва уларнинг натижаси ҳамда ўша даврдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга таъсирини ўрганиш борасидаги улкан ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг барқарор ахлоқий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш, юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Қисқа муддатда Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ишлар концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳарбий қисмлар учун ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича янги дастурлар ва ўқув қўлланмалар тайёрланди, дарсликлар нашр этилди. Ушбу муҳим ишларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани 2000 йил августида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманларида халқаро террорчи гуруҳ жангариларига қарши жангларда ҳарбий хизматчиларимизнинг фидойилигида ўз тасдиғини топди.

Янги Ўзбекистон шароитида буюк тарихимизни чуқур ўрганиш, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда юрт озодлиги йўлида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган асл фарзандлар жасоратига таяниш, аждодларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлишга интилиш туйғуларини мустаҳкамлашдаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилди. Айниқса, Президентимизнинг тегишли қарорига биноан Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтининг ташкил этилгани бу ишларни илмий асосда ва тизимли бажаришга қаратилган муҳим омил бўлди.

Чуқур, фундаментал тадқиқотларга асосланган, буюк аждодларимизнинг бой миллий ҳарбий меросини, жанговар стратегия ва тактикадаги бошқарув ҳамда ҳарбий раҳбарлик маҳоратини ўрганиш, шу соҳада тадқиқотларни олиб бориш институтнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бу вазифани бажариш институтнинг Миллий ҳарбий меросни ўрганиш маркази зиммасига юкланган. Шунингдек, топшириқлар ижроси доирасида Қуролли Кучлар академиясида миллий ифтихор ва ҳарбий ватанпарварлик кафедраси ташкил этилди. Кафедрада курсантлар учун янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Ўқитувчилар курсантларда мустаҳкам ахлоқий-руҳий ҳолат ва юқори жанговар руҳни шакллантириш, шунингдек, шахсий таркибнинг хулқ-атвори ва ҳарбий фаолиятининг самарадорлик даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишларни бажармоқда.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида бўлиб ўтган Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий армиямизни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, глобаллашув жараёнида одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, "Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур", дея кўрсатмалар берди.

Ҳозир марказ ходимлари мамлакатимизнинг етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Миллий ҳарбий меросни ўрганишни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, барча таълим муассасалари учун аждодларимизнинг ҳарбий меросини ўрганиш бўйича ўқув дастурларини яратиш бўйича кенг кўламли ишларни бажармоқда.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони томонидан қўйилган вазифалар ҳарбий тарихчилар учун чуқур изланиш, миллий ҳарбий меросимизни ўрганиш ва ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик ишлари юритиш борасида дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Бой тарихимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий ҳарбий меросни чуқур ўрганиш навқирон авлодни "Халқ ва армия — бир тану бир жон!" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда белгиланган мақсадларимизга эришишимизни таъминлайди.

**2024 йилда илк мавсум учун туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобидан 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Лойиҳаларнинг энг юқори қиймати 1 миллиард 360 миллион сўмни ташкил этади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ташаббусли бюджет

# ЖОРИЙ ЙИЛГИ илк мавсум

## маҳалла аҳли ўзини кўрсатадиган палла келди






**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
*иқтисодий шарҳловчи*

**"Ташаббусли бюджет" жараёни ҳар йили икки марта 3 босқичда ўтади. Унинг 2024 йилги дастлабки мавсумига 1 февралдан старт берилади. Бунда фуқаролар таклифларини 1–20 февраль кунлари илгари суради. Шундан кейин улар тасдиқланган мезонларга мувофиқ, 21 февралдан 11 мартгача сараланади. Модерациядан ўтган лойиҳалар 12–31 март кунлари давомида овозга қўйилади.**

Бу жараёнларда фаол иштирок фуқароларнинг ўз ҳудудларидаги мавжуд долзарб муаммолар бартараф этилиши ҳамда бюджет маблағлари тўғри тақсимланишига ҳисса қўшишига кенг имконият яратади.

— Биринчи навбатда, киритилаётган таклифда кўрсатилган муаммо ижтимоий характерга эга бўлиши ва ўзида шахсий эҳтиёж билан боғлиқ талабларни акс эттирмаслиги лозим, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти бошлиғи Шерзод Муҳамедов. — Улар ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув таъминоти, ёритиш тизимини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, оқова сув тизими, дренаж ва ариқ (зовур)ларни тартибга келтириш, болалар ёки спорт майдончаларини барпо этиш, аҳоли дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини шакллантириш каби лойиҳаларни қамраб олади.

Идоравий (маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, шу жумладан, уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган) ёки шахсий хусусиятга (автомобиль, турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш) эга таклифлар эса инобатга олинмайди.

Бундан ташқари, 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро бевосита ўзи истаган манзил, шу билан бирга, умуман, бошқа ҳудуд бўйича иштирок этиб ҳам ташаббускор бўлиши мумкин. Бу эса муайян таклиф ғолиб топилиши учун айнан ўша манзилда истиқомат қиладиган ёки рўйхатдан ўтган фуқаролар иштирок этиши лозим, деган чекловни рад этади. Аммо бир фуқаро фақатгина битта лойиҳани қўллаб-қувватлай олади.

Ғолиблар ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзида энг кўп овоз тўплаган таклифлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Яъни таклифга қанча кўп овоз тўпланса, ютиш имконияти шунча ортади ва энг кўп овоз олганлари юқоридан пастга қараб сараланади.

Унинг якунларига кўра, "Очиқ бюджет" ахборот портали автоматик равишда ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар асосида ғолибларни аниқлайди ва ташаббускорнинг шахсий кабинети орқали ҳамда мобиль телефон рақамига бу ҳақда хабар юборилади.

2024 йилда илк мавсум учун туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобидан 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Лойиҳаларнинг энг юқори қиймати 1 миллиард 360 миллион сўмни ташкил этади.

### Эътиборга муҳтож соҳалар ташхиси

— Бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назорати ўрнатиш ҳамда фуқароларни бу жараёнга кенг жалб қилиш мақсадида 2021 йилдан бошлаб "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали "Ташаббусли бюджет" дастури ўтказиб келинмоқда, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасанов. — Ўтган давр мобайнида тадбирларни шакллантиришга кенг жамоатчилик жалб этилди, фуқаролар иштироки оширилди, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштириш соҳасида маҳаллий ва халқаро тажриба мунтазам таҳлил қилиб борилди.

2021-2023 йиллар давомида "Ташаббусли бюджет" жараёнлари учун давлат бюджетидан қарийб 8 триллион сўм йўналтирилди. Жами ўн мингга яқин лойиҳа ғолиб бўлиб, беш мингдан ортиқ маҳаллада ижтимоий муаммолар бартараф этилишига эришилди.





Иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расуловнинг таъкидлашича, очиқлик борасидаги ислоҳотлар, биринчидан, давлат бюджети самарали ишлатилишини таъминласа, иккинчидан, жамоат назорати кучайишига олиб келади, учинчидан, фуқаролар ёрдамида узоқ йиллардан буён ҳал бўлмаётган ижтимоий муаммолар ечилишига имконият яратилади. Айрим амалдорлар томонидан халқ пули талон-тарож қилинишига жиддий тўсиқ бўлиши билан бирга, бевосита аҳоли манфаатлари учун хизмат қилади.

"Ташаббусли бюджет"нинг ўтган йилги биринчи мавсумидаги овоз беришда 16 миллион 129 минг 764 фуқаро иштирок этган. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 45 фоизи демакдир. Иккинчи мавсумида эса ташаббусларни қўллаб-қувватлаб 18 миллион 115 минг 86 та овоз берилган. Бу юртимиз аҳолисининг эллик фоизига тенг.

2021 йилда ўтказилган овоз бериш жараёнида 1,1 миллион фуқаро қатнашган бўлса, 2022 йилнинг дастлабки мавсумида улар сони 6,7 миллиондан зиёдроқ бўлган эди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, ўтган йил иккинчи мавсум учун ўтказилган танловда 1012 маҳалладан 1187 лойиҳа ғолиб бўлган. Ажратилган маблағнинг умумий миқдори 1 триллион 314 миллиард 565 миллион 965,5 минг сўмни ташкил этди. Энг юқори натижага 20 минг 120 овоз билан Андижон вилояти Баликчи тумани "Шеробод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мустақиллик кўчасига асфальт ётқизиш лойиҳаси (1 миллиард 320 миллион сўм) эришган.

Илгари сурилган таклифларнинг 15 минг 140 таси (31 фоиз) ички йўллар, 14 минг 835 таси (30 фоиз) маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, 6 минг 820 таси (14 фоиз) мактаблар, 3024 таси (6 фоиз) боғчалар, 3100 та (6 фоиз) тиббиёт муассасаларини таъмирлашга тегишли бўлган. Ғолиб лойиҳалар орасида ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш юқори поғонада турганги (446 та) ҳам энг оғриқли йўналиш ҳали-ҳануз шу соҳа эканини кўрсатади.

Аслида алоҳида "Менинг йўлим" лойиҳаси ҳам бор. Унда ўтган йилги овоз бериш жараёнида республика бўйича қарийб 8 миллион 94 минг фуқаро иштирок этди. Натижаларга кўра, 517 та лойиҳа ғолиб топилди. Уларни молиялаштириш учун 410 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ йўналтирилди. Таҳлилчилар фикрича, фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини таъминлаш кўп йўллар асфальтланмаган ва ёғингарчилик мавсумида фойдаланиш қийин бўлиб қоладиган, инфратузилма етарли бўлмаган қишлоқ жойларда, айниқса, фойдали ва самарали бўлмоқда. Чунки йил давомида йўл ҳолати ёмон бўлиши одамларнинг ҳаракатланиш имкониятлари ҳамда транспорт воситаларининг самарали фаолиятига тўсқинлик қилиб, қишлоқ жойларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва минтақавий бозорларга олиб борилишига, пировардида ҳудуд иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатади.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи мавсумида ғолиб бўлган лойиҳалар орасида иккинчи ўринда умумтаълим мактаблари (236 та), учинчи ўринда соғлиқни сақлаш муассасалари (217 та)ни таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш тадбирлари турибди. Қолганларини (288 та) бошқа ижтимоий иншоотлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар айнан қайси соҳалар кўпроқ эътиборга муҳтожлигига ташхис қўйиб беряпти.

Яна бир муҳим жиҳати, "Ташаббусли бюджет" дастурида қатнашган 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр таклиф. Масалан, маҳаллалардаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича мингдан ортиқ, мактабларни парта ва компьютер билан жиҳозлашга 5 мингдан зиёд лойиҳа таклифи келиб тушган.

### Муаммо ва камчиликлар йўқ эмас

Ўтган йил 26 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Очиқ бюджет": маблағлар тақсимланишида фуқаролар иштироки. Тажриба ва сабоқлар" мавзусидаги халқаро жамоатчилик муҳокамасида қайд этилишича, "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларини амалга оширишда аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ғолиб лойиҳалар молиялаштирилишида, белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида камчиликлар бор. Бу бўйича "Юксалиш" ҳаракати республика бўйича 135 та объектда ўрганиш ишларини олиб борган.

Хусусан, сентябрь ойи ҳолатига кўра, 16 та объект бўйича ишлар сифатсиз амалга оширилгани, 12 та лойиҳага доир белгиланган тадбирлар якунига етмагани, 7 та иншоот юзасидан ғолиб топилган лойиҳалар учун маблағ ажратилмагани ёки тўлиқ молиялаштирилмагани, 5 та лойиҳага ажратилган маблағ мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этишга етмагани аниқланган.

Тадбирда "Ташаббусли бюджет" доирасида мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда реконструкция ишларини амалга ошириш лойиҳаларига ўқитувчилар овоз тўплашга мажбур этилаётган ҳолатлар мавжудлиги ҳам таъкидлаб ўтилганди. Мазкур масалада ўтказилган аноним сўровда респондентларнинг 15 фоизига "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларига овоз йиғиш вазифаси раҳбарият томонидан юклатилгани маълум бўлган. Ваҳоланки, овоз йиғишга мажбурлаш мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади.

Ҳақиқатан, "Очиқ бюджет" лойиҳалари кўлами тобора кенгайиб, ажратилаётган маблағ сарфи мониторинг қилиб борилаётганига қарамай, айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш вазифаси кун тартибида турибди. Бунга фуқаролар томонидан турли телефон рақамлари билан "фойдаланувчилар" захирасини шакллантириш ва овозлар сонини кўпайтиришга уринишларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Хиёбон, кўча ва бозорларда овоз бериш эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул таклиф қилиш ҳолатлари яна кузатилди. Бундай ҳолатлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан "Очиқ бюджет" лойиҳасига доир жараёнларни холис овоз бериш, маъмурий аралашувларсиз ташкил этиш бўйича вазифалар тўлиқ ҳал этилмаётганидан, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш ва уларни такомиллаштириб бориш заруратга айланаётганидан далолатдир.

Шу боис, вазирлик жорий йилда жараённи янада такомиллаштириш, жойларда кузатилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалдаги тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали овоз беришда фуқароларни идентификация қилиш механизмини жорий этишни таклиф қилмоқда.

Бундан ташқари, бюджет саводхонлигини ошириш орқали фуқароларга барча босқичларда фаол иштирок этиш имкониятини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли вакиллари нафақат таклиф бериш, балки уларни муҳокама қилиш ва жамоатчилик назоратини талаб қилиш муҳимлигини тушунгандагина тизим янада самаралироқ ишлайди.

Овоз бериш фуқароларнинг ижтимоий онги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар биримиз ихтиёрий овоз бериш ҳуқуқига эгамиз. Ундан холис ва ҳаққоний фойдаланиш ўзимизга ҳавола этилаётган, бунинг учун барча шароитлар яратилаётган экан, овоз беришда ҳам уйғоқ бўлайлик. Шунда ободликка юз тутган кўча, мактаб, боғча, йўлнинг ҳам қадр-қиммати баланд бўлади.

### Ўзгариш ва янгиликлар

Президентимиз ўтган йил 12 сентябрь куни йўл хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида энди ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Очиқ бюджет" платформасидаги "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилиши юзасидан кўрсатма берган эди.

2024 йилда мазкур дастур учун камида 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Демак, ажратилаётган маблағ аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ошади. Қолаверса, "Ташаббусли бюджет" ва "Менинг йўлим" лойиҳалари доирасида ички йўлларнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳам кўзда тутиляпти. Жорий йилдан давлат бюджетидан йўлларни таъмирлаш харажатларига, жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар инобатга олиниб, республиканинг ҳар бир шаҳар ҳамда тумани учун 4 миллиард сўмдан ажратилиши ҳам белгиланган.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда "Маҳалла бюджети" тизимини жорий этиш вазифаси қўйилган. Бунда туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгиланган эди.

Ушбу жиҳатлар 2024 йилги давлат бюджетида ўз ифодасини топган. Хусусан, "Ташаббусли бюджет" амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилади.

Давлат бюджетини шакллантиришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида 2023 йилда "Очиқ бюджет" ахборот порталига келиб тушган ва ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари учун 2024 йил давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

— Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, — дейди Нодирбек Расулов, — "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси, биринчидан, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатликда ишлаш, жамоавий қарорлар қабул қилиш, бир ёқадан бош чиқариб, мақсадга эришишда замонавий технологияларни эгаллашга ундаса, иккинчидан, жамоатчилик назорати кучайиши, маҳаллий депутатлар фаоллашуви ҳамда одамларни бюджет маблағлари очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида тақсимланишида фаол иштирок этиш ҳамда давлат томонидан берилаётган имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга ўргатяпти.

Ҳақ гап. "Ташаббусли бюджет"нинг бу йилги мавсумида ҳам бу анъана давом этади, қамров кенгаяди. Тизим янада такомиллашади. Энг муҳими, одамларнинг оғирини енгил қиладиган минглаб хайрли ишларга йўл очилади.

Креатив тадбиркорлик

# ИПДАН ТЎҚИЛГАН ПОЙАБЗАЛ

**Ҳунар аҳлининг аксарияти камгап, камсуқум бўлади. Боиси, улар қўли доим меҳнатда, ҳар сониянинг олтиндан қиммат эканини жуда яхши англайди. Навбаҳор туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи ҳунарманд Гулчеҳра Жамоловани ҳам иш устида учратдик. Асли касби ўқитувчи бўлган ҳунарманд тўқиган бежирим пойабзалларнинг харидори кўп.**

— Бу ҳунар билан етти йилдан буён шуғулланаман. Дастлаб, турли кийимлар тўқир эдим, кейинчалик шу услубда пойабзал тайёрлаш ғояси ҳам туғилди. Ушбу йўналишда тадбикорликни йўлга қўйдим ва ҳозир шогирдлар билан буюртма асосида ишлаяпмиз.

Албатта, ҳунарманд учун ушбу йўналишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш аввалига осон бўлмади. Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар учун барча имкониятлар яратилгани уни бу ишга руҳлантирди.

Гулчеҳра Жамолова ҳам бу имтиёзлардан фойдаланиб, банкдан кредит олди ва ўз бизнес-режасини амалга оширди.

Асосан, ёзги пойабзал тайёрлайдиган тадбиркор қишда иссиқ кийимлар тўқишни ҳам йўлга қўйди. Буюртмалар кўп, нархи ҳамёнбоп. Маҳсулотлар туман аҳолисидан ортмайди, даромад ҳам шунга яраша салмоқли. Эътиборли жиҳати, қўлда тўқилган оёқ кийимларнинг афзалликлари кўп экан. Муҳими, енгил ва экологик тоза.

Ҳар бир ишнинг ўзига яраша заҳмати бўлади. Тўқувчилик ҳам катта сабр, эътибор ва маҳорат талаб қилади. Калава ипни буюм ҳолатига келтириш осон эмас. Ҳунарманднинг айтишича, бир кунда икки ёки уч жуфт пойабзал тўқиш мумкин, мураккаб дизайн асосида тайёрланадиган маҳсулотларнинг ҳар жуфтига бир кунча вақт кетади.

Ҳунари ортидан яхшигина даромад кўраётган қаҳрамонимиз яна бир хайрли ишга қўл урди. Маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни ёнига олиб, уларга ўз ҳунари сирларини ўргатмоқда. Шогирдлари орасида айни вақтда мустақил иш бошлаб, даромад топаётганлари ҳам бор.

— Бу ҳунарга қизиқиб, устозимнинг олдига келганимда бошида қийналганман. Чунки тўқишнинг ҳам ўзига яраша мураккабликлари бор экан. Лекин устозим барчасини қунт билан ўргатди, энди ўзим ҳам буюртмалар олиб, даромад топаяпман. Эндиликда устозим каби ушбу йўналишда тадбиркорликни йўлга қўйиш арафасидаман, — дейди Мунисхон Убайдуллаева.

Миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришда қўлигул ҳунармандларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугун яратилган имкониятлар яхши самара бераётганини Гулчеҳра Жамолова каби қўлида мўъжиза яратаётган ҳунармандлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.



Айниқса, қишлоқларда тўқувчилик хотин-қизларнинг севимли машғулотига айланган. Бу ҳунарни бугунги кун талабига мослаш, замонавий маҳсулотлар тайёрлаб, янгиликлар яратишни эса барча ҳам уддалай олмайди. Навбаҳор туманида Гулчеҳра Жамолова каби ана шундай ҳунарманд ва ишбилармон аёллар талайгина.

Сарбозор маҳалласида яшовчи ҳунарманд Лайло Ғойипова ҳам тўқувчиликни момомерос ҳунар сифатида эъзозлаб, меҳр қўйган. Тўқувчилик ва тикувчиликни уйғунлаштирган қаҳрамонимиз турли уй-рўзғор буюмларини тайёрлайди. Креатив ёндашув асосида янгича кўринишда ҳам тўқилиб, ҳам тикиладиган бежирим буюмларнинг эса харидори кўп.

— Ҳунарли киши хор бўлмайди. Бунга ҳаётим давомида бир неча бор амин бўлдим. Албатта, оиламизда қийинчиликлар ҳам бўлган, аммо шу ҳунар ортидан яхши даромад топа бошладим. Муҳими, бизнинг ташаббусимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти, етарлича имкониятлар яратиб берилмоқда. Дастлаб, ишни оддий қўлда тўқиш, бир дона тикув машинасида тикиш ишлари билан бошлаган бўлсам, фаолиятимни кенгайтириш бўйича режамни амалга оширишга масъуллар томонидан кўмак берилди. Ҳозир даромадимиз ҳам жуда яхши, — дейди Лайло Ғойипова.

Аслида, касаначилик фаолиятида имкониятлар кўп. Бу тизим орқали маҳаллаларда хотин-қизлар ўзини ўзи иш билан таъминлаши мумкин. Масалан, Лайло Ғойипова ҳам ишсиз хотин-қизларга ўз ҳунарини ўргатиб, ўзига келаётган буюртмалардан бир қисмини бериб, уларнинг ҳам бандлигини таъминлашга, даромад топишига кўмаклашмоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
*"Янги Ўзбекистон" мухбири*

**Пуч, нопрофессионал кинолар маънавиятимизга нисбатан кўпорувчилик, деб ҳисоблайман. Чунки ўша савияси паст кинони кўрган ёшларда ватанпарварлик мавзусига киноя пайдо бўлади, энсаси қотади, жиддий мавзу эмас экан, деб қарай бошлайди. Бу эса биз учун катта маънавий зарардир.**



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 31 январь, 22-сон

Долзарб мавзу




# Миллий фильмлар томошабинни қанчалик жалб эта оляпти?

**Санъат миллат, элат ёки тил танламайди. У томошабинни ўзига мафтун эта олиш, ортидан эргаштириш хусусиятига эга куч. Халқни руҳлантириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, озодлик ва ҳурлик учун курашиш каби ғоялар сингдирилган фильмлар ҳамма даврлар учун бирдек аҳамиятли, қадрли.**

*Ўзбек киноижодкорлари ҳам юрт тинчлиги, ватан озодлиги, турмуш фаровонлиги, осуда ҳаёт йўлида курашган ва курашаётган мард ўғил-қизларимизнинг жасорати ҳақида кинокартиналар яратмоқда. Аммо бу мавзуларда ҳар қанча фильм суратга олсак, аслида кам. Ҳозир миллий ватанпарварлик руҳида яратилган фильмлар сон ва сифат жиҳатидан талаб даражасидами? Бу фильмлар халқимиз қалбидан қанчалик жой оляпти? Бугунги кун кино санъати ёшларни тинчликни сақлаш, эл корига камарбаста бўлиш, ватанни севишга ундай оляптими? Шу мавзуларда сара асарлар яратилишига нималар тўсқинлик қилмоқда? Биз ушбу саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдик.*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

— Бизда муайян давр барча соҳада депсиниш даври бўлди. Шунинг касрига ҳамма соҳалар ривожланмасдан, бир жойда қотиб қолди. Жумладан, кино санъати ҳам.

Шунингдек, бугун дунё мультипликацион санъати жуда ривожланиб кетди. Анимацион фильмлар ҳатто бадиий фильмлардан кўра, аниқроқ, тиниқроқ чиқяпти.

Бизда "бозор" деган тушунчанинг ортида олди-қочди кўрсатувлар, фақат томошабин йиғса бўлди, деган иддао кино санъати соҳасида ҳам авжига чиқди. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида суратга олинаётган фильмларнинг томошабин қалбидан ўрин ололмаслиги, ҳаётий эмаслиги — буларнинг ҳаммаси "буюртмани, топшириқни бажардингми — бажардинг" тарзида қилинаётгани кўриниб турибди. Ҳолбуки, фильм сценарийсини савияли қилиб ёзадиган ижодкорлар кўп орамизда. Зўр ёзувчи ва сценарийнавислар бор. Афсуски, бугунги кунда кинони режиссёрнинг ўзи ҳал қиляпти. Сценарийни ҳам ўзининг қаричи билан ўлчайди. Шу тариқа сохта, савияси паст, томошабинни бездирадиган кинолар юзага келяпти.

Ёш режиссёрлар етишиб чиқяпти. Режиссёрларимиз бирданига шон-шуҳрат, пулнинг орқасидан кетмай, халқимизнинг ичига кириб, халқимизга ёқадиган фильмлар яратишига ишонгим келади.

Бир пайтлар ўзбек фильмлари рус тилида яратилиб, кейин ўзбек тилига дубляж қилинган. Ўшанда ҳам миллий ватанпарварлик руҳи уфуриб турган. Масалан, "Маҳаллада дув-дув гап" фильмини олайлик. Фильмдаги халқимизга хос самимият, ўзбеконалик сценарий муаллифи Абдулла Қаҳҳор билан боғлиқ. "Пешонангда шафтолининг данагини чақади", деган иборани қаранг. Қочирим ёки аскияларнинг ҳаммаси Абдулла Қаҳҳор таҳриридан ўтган. Шунинг учун у кино яшаб турибди. Яна бир фильм — "Шум бола". Масалан, мен "Шум бола"ни қачон кўрсам ҳам маза қиламан. Тўғри, китобнинг мазмунини сиёсий жиҳатларга буришган. Лекин асосида катта бир ёзувчининг, шоирнинг "Шум бола" қиссаси тургани сабаб ҳам мазкур кинокартина зўр чиққан.



Миллий ватанпарварлик деганда, албатта, ҳарбийлар кўз олдимизга келиши керак эмас. Барча инсоний фазилатлар, халқнинг тутумлари ҳам миллий ватанпарварликни ифодалаши мумкин. Хоҳлаган мавзуда ватанпарварлик киносини яратса бўлади. Умуман олганда, ўзини ҳурмат қилган давлатларнинг ҳар қандай киноси, кўрсатуви, қўшиғи миллий манфаатга хизмат қилади.

Бизда бу борада оқсашлар борлигини инкор эта олмаймиз. Бунинг ечими қаерда, деган ҳақли савол туғилади. Ҳақиқий сценарийнавислар, профессионал ёзувчиларни кинога жалб қилиш керак. Улар билан ҳисоблашадиган режиссёрларни бириктириш керак. Миллий ватанпарварлик руҳида кино яратмоқчи эканмиз, миллатнинг феъл-атвори, тилини яхши биладиган ёзувчи ва режиссёрни рағбатлантириш зарур. Айни мана шу киноларнинг тарғиботи ҳам кенг кўламда юритилиши лозим.

Биз мактабда болани 11 йил ватанпарварлик руҳида ўқитсак-да, бир марта кўрган кўрсатув ёки бемаъни фильм бутун қилинган меҳнатни йўқ қилиши мумкин. Шунингдек, пуч, нопрофессионал кинолар маънавиятимизга нисбатан кўпорувчилик, деб ҳисоблайман. Чунки ўша савияси паст кинони кўрган ёшларда ватанпарварлик мавзусига киноя пайдо бўлади, энсаси қотади, жиддий мавзу эмас экан, деб қарай бошлайди. Бу эса биз учун катта маънавий зарардир.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**
**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент:**



— Ватанпарварлик жуда муқаддас, ўта нозик, инсон қалбининг туб-тубида сақланадиган ғоят яширин туйғудир. Бу ҳис инсонда қачондан пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди ва айтиб бера олмайди. Балки у қондан ўтар, балки тарбия маҳсулидир. Қандай шаклланмасин, ҳар бир инсондаги ватанпарварлик унинг ўзи яшаб турган жамият қадриятлари асосида вужудга келади. Инсондаги ватанпарварликни шакллантирадиган омиллардан бири эса, шубҳасиз, санъатдир. Санъат турлари ичида энг таъсирчан ва оммавийси бўлган кинонинг бу борадаги ўрни беқиёс. Албатта, кино одамни тўғридан-тўғри тарбияламайди. Балки ҳаётий воқеалар, таъсирчан воситалар орқали уни ўйлашга, таъсирланишга, қалбининг ўзгариши, тозаланиб боришига йўл очади. Айнан мана шу ҳолатда ҳақиқий санъатнинг кучи кўринади.

Бадиий фильмларда ватанпарварликка тўғридан-тўғри, очиқ ва қуруқ тарғибот бўлиши мумкин эмас. Муайян мавзу ва образли ечимларнинг тагмаъноси, хулосаси ватанпарварликни сингдирмоғи лозим бўлади. Биз буни ўзбек киноси дурдоналари бўлмиш "Сен етим эмассан" (режиссёри Ш.Аббосов) фильмида меҳр орқали, "41-йил олмалари" (режиссёри Р.Ботиров) фильмида отахонлар жасорати мисолида, "Суюнчи" (режиссёри М.Абзалов) фильмида миллатнинг қадриятларини асрашга уринган буви тимсолида кўришимиз, англашимиз мумкин. Ҳар бир давр ва жамият ўз санъатини яратади. Бу ўша даврнинг ижтимоий муаммолари, ахлоқий қарашлари, инсонларнинг ҳаётий маслак ва қадриятлари, халқнинг орзу-истаклари ва жамиятнинг мақсад-интилишларидан келиб чиқади. Шу сабабли ўзбек киноси тарихида турли даврларда турлича мавзулар устуворлик қилди. Ватанпарварлик ғояси кўтарилган фильмлар одатда юртни бир мақсад йўлида бирлаштириш зарур бўлгандагина керак бўлди. Хусусан, бу борадаги катта кўтарилиш Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва шу мавзуга бағишланган фильмларда яққол акс этди.

Ўтган асрнинг 90-йиллларидан яқин тўрт-беш йилгача ижтимоий муаммолар, кишилар тафаккуридаги ўзгаришлар, миллий ўзликни англаш, моддият инсонлар учун асосий қадриятга айланаётгани ҳақидаги фильмлар устуворлик қилди. Ватанпарварлик мавзулари фақатгина терроризмга қарши курашга қаратилган фильмларда акс этди. Аслида эса ватанпарварликни бирданига пайдо қилиб, бирор ҳодиса билангина боғлаб шакллантириш тўғри бўлмайди. Ватанпарварлик йиллар, ойлар, кунлар ва ҳатто соатлар сайин шаклланиб борадиган жараёндир. Шу сабаб кинематографияда тизимли равишда, турли мавзуларда олинажак фильмлар замирида барчаси бевосита ватанпарварликка боғланиши, кинонинг ижтимоий вазифаси пировардида, кишиларимиз, халқимиз, жамиятимизда ватанпарварликни ўстиришга қаратилиши лозим. Албатта, кейинги йилларда бу борада бир қанча ишлар қилинди. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушига бағишланган фильмлар кўпайди ва бу картиналарни томоша қилган халқимизда ўз миллатидан ғурурланиш, ватанни асраб-авайлашга рағбат уйғонганини ишонч билан айтиш мумкин. Шунингдек, ўзбек халқининг буюк фарзандлари ҳақидаги "Саид билан Саида", "Муҳаббат баҳори", "Абдулла Орипов" фильмлари ҳам ёш авлодни тарихни билишга, адабиётни ўрганишга, фикрлашга, улуғ миллатнинг вакили эканини англашига кучли турткилардан бўлди. "Меҳр" операцияси туфайли Суриядаги ўзбекистонлик аёллар ва болаларнинг олиб келиниши ифодаланган "Тутқунлик", "Аёл қисмати" каби фильмлар ҳар бир инсон учун ватанидан яхшироқ жой бўлмаслигини, Ўзбекистон учун ҳар биримиз керак эканимизни кўрсатиб қўйди. Айтиш керакки, тарихий ва замонавий мавзуларда яна кўплаб фильмлар режалаштирилмоқда ва уларнинг ҳам мазмун-моҳиятида ватанпарварлик ғояси асосий ўринни эгаллайди. Бироқ бу ишларнинг етарлича таъсири бўлиши учун олинаётган фильмларимизда юксак бадиият, жанрлардаги ранг-баранглик, қаҳрамон ички оламини очиб беришга, кучли психологик моментлар, ўткир конфликт етмаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Бунга сабаб, албатта, ишнинг тизимли эмаслиги, чуқур ғоявий моҳиятдан кўра, юзаки сюжет қуриш билан чекланиш, хориж фильмларидан кўр-кўрона кўчириш, фильмнинг сценарий вариантидаёқ етук мутахассислар ўртасида муҳокама қилинмаслиги, муайян саналар ёки муддатларга улгуриб битказишга уриниш кабилар экани яққол кўзга ташланмоқда.

Ўйлаймизки, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, очиқлик сиёсати, кўплаб мавзуларни ёритишга йўл очилгани, Ўзбекистонни дунёга тараннум этишга бўлган интилиш натижасида яқин йилларда ватанпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган бадиий мукаммал, ғоявий юксак, таъсирчан ва унутилмас кинокартиналар вужудга келади. Албатта, аввал таъкидлаганимиздек, бу бир-икки кунда мева берадиган ҳодиса бўлмай, узлуксиз меҳнат ва интилишларни талаб қиладиган жараёндир...

**Омина АЗИЗОВА,**
**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори:**



— Бугун ҳам ўзбек киноижодкорлари томонидан ватанга садоқат, тинчликнинг қадри ҳақида қатор фильмлар суратга олинмоқда. Буни инкор этиш керак эмас. Ўтган беш йил кесимида экранга чиққан айрим бадиий фильмларни эслаб ўтсак: Акбар Бектурдиевнинг "Тинчлик ортида", "Ўзбек қизи", Дилмурод Масаидовнинг "Аёл қисмати", Жаҳонгир Аҳмедовнинг "Илҳақ", Акром Шоҳназаровнинг "101-рейс", Рашид Маликовнинг "Тутқунлик", Рустам Саъдиевнинг "Барон-2: Соғинч", Ҳасан Алижоновнинг "Ҳаёт афсунлари", Абдувоҳид Ғаниевнинг "Элпарвар", Ҳилол Насимовнинг "Ватан остонаси", Зулфиқор Мусоқовнинг "Берлин — Оққўрғон", "Ҳайрат" каби бадиий фильмлари, Али Ҳамроевнинг "Халқ жасорати", Комил Шарафиевнинг "Матонат" каби ҳужжатли фильмлари ватанпарварлик, тинчлик, фаровон ҳаёт тараннумига бағишланган.

Ватанпарварлик мавзусига бағишланган "Ўзбек қизи", "Илҳақ", "Аёл қисмати" каби фильмларимиз хориж киноижодкорлари томонидан ҳам эътироф этилиб, халқаро кинофестивалларда гран-прини қўлга киритди.

Акбар Бектурдиевнинг "Ўзбек қизи" фильмида тараннум этилган озодлик, ватанпарварлик ғоялари совуқ уруш фонида маҳорат билан тасвирланган. Зебо Ғаниева ҳақидаги фильм яратилиши ва уни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида премьера қилиниши эътирофли ҳодиса. Сабаби, Зебо Ғаниевани — Иккинчи жаҳон уруши йилларида моҳир разведкачи ва афсонавий мерган сифатида ном қозонган ўзбек қизини бугунги ёшларнинг аксари билмайди. Нозик жуссали, хушрўй Зебо Ғаниева фильмда умумлашма образ бўлиб, бу қаҳрамон мисолида урушга жалб этилган ўзбек қизларининг тимсоли гавдаланган. Хусусан, Зебо Ғаниева, Муқаддам Ашрафова, Раҳима Алимова каби кўплаб ўзбек қизлари ўз яқинларини ҳимоя қилиш ниятида урушга борган ва жасорат кўрсатган. "Ўзбек қизи" фильми мана шундай кучли ва иродали ўзбек қизлари ҳақида.

Жаҳонгир Аҳмедовнинг "Илҳақ" бадиий фильми эса Иккинчи жаҳон урушида беш фарзандини урушга юбориб, уларнинг бирортасини қайта кўрмаган, матонатли ва сабрли ўзбек аёли тимсолини ифодалайди. Уруш фожиалари, йўқотишлар экранга кўчирилар экан, бунга ҳиссиёт билан ёндашмай илож йўқ. Негаки, уруш қалбларни ларза солибгина қолмай, ҳар қандай кўзни, юракни, албатта, йиғлатади. Чунки уруш қолдирган яралар ҳали битиб кетмаган. Унинг чандиқлари ҳанузгача юракларимизга азоб беради. Уруш ҳақидаги манбаларни янада чуқурроқ ўрганиш, унинг фожиаларини янги фильмларда акс эттириш лозим. Шу маънода фильмлардаги таъсирчан эпизодлар томошабинга урушнинг мудҳиш ва даҳшатли оқибатларини сўзлаб, бугунги тинч ва ҳур ҳаётимизнинг қадрини эслатади. Ватан инсон учун қадри баланд, тафти иссиқ, тоғдек суянч эканини яна бир бор эслатувчи бу фильмларни ёшлар кўриши керак.

Айниқса, бугунги нанотехнологиялар, медиа асрида тобора кучайиб бораётган ғоялар уруши даврида бу фильмларга эҳтиёж янада ортмоқда. Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан, дейди Александр Блок. Ёшларни ёт ва бузғунчи ғоялардан асраш, техникага қулликдан қутқариш учун ҳамма бирдек ҳаракат қилмоқда. Хусусан, киноижодкорлар ҳам бу йўлда собитқадам.

Бугун Кинематография агентлиги томонидан Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия билан ҳамкорликда ҳужжатли фильмлар, сериаллар суратга олиш ишлари давом этмоқда. "Беларусфильм" билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек жангчиси Мамадали Топволдиевнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи "Казбек" бадиий фильми суратга олинмоқда. Бундан ташқари, шу кунларда "Уч қаҳрамон" бадиий фильмининг ҳам тақдимоти кутилмоқда.



**Абдулатиф ҲАЙДАРОВ,**
**"Astir animation studio" раҳбари, режиссёр-аниматор:**



— Нега миллий ватанпарварлик руҳидаги анимацион фильмлар кам? Минг хил сабаб кўрсатилиши мумкин. Мутахассислар йўқ, дейилади аксарият ҳолларда. Балки эътибор йўқдир? Кимга керак ўзи мультфильм? Тарих, миллий ватанпарварлик ҳақидаги мультфильмлар қанчалик фойда келтиради? Бу саволлар очиқлигича қолмоқда.

Анимацион фильмлар яратилиши масаласига ижтимоий йўналиш, фарзандларимизнинг онгини ҳимоя қилишга йўналтирувчи восита, деб қараш керак. Бунинг учун маблағ ажратилиши зарур. Очиғини айтиш керак, айни пайтда анимацион фильмларга театр, кино ва бошқа санъат турларидан сўнггина номига эътибор қаратилади. Кино, тадбирбозлик, фестиваллардан ортган пулга "Майли, бирорта мультфильм ишлаб қўйинг", дейилади. Эътибор шундай бўлгач, акс таъсир ҳақида нима дейиш мумкин?

Савия ва сифати баланд анимацион фильмлар яратадиган мутахассислар йўқ, деган рўкачга ҳам кўп дуч келамиз. Иш қидириб юрган мутахассислар қанча? "Мана имконият, шу мавзудаги мультфильм ярат" дейилса, жонини жабборга бериб ишлайдиган ижодкорларни биламан.

Мен хусусий студия раҳбариман. Миллий ватанпарварлик руҳидаги "Тўмарис" анимацион фильмимиз муваффақиятли чиқди. Шунга ўхшаш мультфильмларни ҳеч қийналмай яратишимиз, қанча зарур бўлса, шунча буюртма олишимиз мумкин. Аммо талаб йўқ.

Нима учун мактабгача ёшдаги болалар асосан, чет эл мультфильмларини томоша қилмоқда? Чунки унда ватанпарварлик ва бошқа жиҳатлар ёрқин ранглар, персонажлар ва воқеликларда ёритиб берилган. Жимжима, гўзал ва осон ҳаётни кўрган ва шунга интилган боладан ватанпарвар чиқадими?

Болалар фильмлари устида катта ижодий гуруҳ ишлаши лозим. Психолог нуқтаи назари жуда муҳим. Бугун болаларга қайси ранг ва нима ёқишини, улар қалбига қандай йўл топиш кераклигини у яхши билади. Катталарча фикрлаб, "адабиётда, тарихда бунақа бўлган", деган иддаолар самара бермайди.

Ҳаммаси соҳага бўлган муносабатдан келиб чиқяпти. Мультфильмнинг бола тарбиясига жуда катта таъсири бор, лекин бу ҳақда ўйланмаяпти.

**Нигора ҲАЙДАРОВА,**
**Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти:**



— Миллий ватанпарварлик руҳидаги анимацион фильмларимиз жуда кам. Сабаби эса шу мавзудаги сценарийлар, умуман, адабий асарлар етарли эмаслиги билан боғлиқ. Айнан болалар адабиётидаги материаллардан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси ҳам мультипликацион фильм спецификасига тўғри келавермайди. Сценарий топилган тақдирда ҳам бугунги кунда айнан миллий образ, персонажлар яратадиган рассомларимиз, замон талабига жавоб берадиган, яъни миллий-замонавий образларда персонажлар яратадиган ижодкорларимиз камлиги муаммо бўлиб турибди.

Дунё анимациясида ҳар битта босқичнинг ўз мутахассиси бўлади. Яхши фильм чиқариш учун кучли, зўр ижодий гуруҳ — сценарийнавис, рассом, айнан болалар драматургияси, болалар фильмини тушунадиган режиссёр, аниматорлар гуруҳи, композиторлар керак. Студияларимизда ижодкорлар йўқ эмас, бор. Улар фақат асарни яратишда техник жиҳатини тушуна оладиган маҳоратга эга. Аслида, персонажлар дизайни, локациялар, умуман, фильмдаги маконда мавжуд архитектура ва бошқа майда деталларгача рассом томонидан яратилиши шарт.

Шароит, мутахассис, ижодий муҳит — мана шулар ҳаммаси битта нуқтада жамланганда биз ўйлаган бадиий ва мультипликацион фильмлар яратилиши мумкин.

Яна бир жиҳат. Ижодкор муайян мавзуда асар яратар экан, турли бадиий ёндашув, фантазиясини ўзи хоҳлаган образда етказиб беришда унга кўп нарсалар тўсқинлик қилиши мумкин. Ижодий гуруҳ, айниқса, ижодий муҳит бўлмаса, бундан ташқари, цензура бўлса, қийин. Мисол учун, "Ўзбеккино" ёки кинематография бадиий кенгаши аъзолари орасида анимацион фильмлар бўйича мутахассис деярли йўқ. Соҳага тааллуқли бўлмаган ҳайъат аъзолари асар спецификасини тушунмаган ҳолда, фақат дидактик томонларига эътибор бериши мумкин. Бу эса замонавий ёшлар эътиборини жалб қила олмайдиган картиналар яратилишига сабаб бўлади. Ҳозирги талаб шунчалик кучлики, замонавий технологиялар даврида оддий тасвир билан болалар кўнглига йўл топиб бўлмайди. Дунёқараши кенг, фикрлаши теран бўлган миллий образлар, персонажлар яратиш замон талабига айланган.

Хусусий анимацион студияларимиз фаолият юритяпти. Улар томонидан ишланган айрим анимацион фильмларни ёмон, деб бўлмайди. Бу фильмларда адабий асарга асосланган яхши сценарий олиб чиқилган. Лекин ана шу фильмларни бугун болаларимиз қандай қабул қиляпти? Кузатишларимга кўра, фильмларда айрим персонажлар бир оз қўрқинчлироқ кўринишда намойиш этилган. Болаларимиз учун энг ёмон саҳна, энг ёмон персонаж, энг ёмон салбий образ ҳам ёқимли тасвирланиши керак. Томошабинлар фикрини ўрганганимизда "Нима учун бизда ўзбек мультипикацион қаҳрамонлари қўрқинчли?" деган савол бўлди. Бу рассомнинг маҳоратига боғлиқ. Персонажларни анимациянинг принципларини инобатга олган ҳолда яратиш керак бўлади.



**Забаржад БОБОЖОНОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси:**



— Аввало, ватанпарварлик тушунчаси аслида қандай бўлади, ватанпарварлик туйғуси нимадан иборат, деган саволга тўхталсак. Стандарт шаклдаги баландпарвоз гаплар, ташвиқот руҳидаги асарлар ватанпарварликми? Ёки асар номини Ватан сўзи билан боғлаш шартми?

Ватанпарварлик туйғуси, кези келса, нозик деталларда, образли тасвирларда шундай ифодаланадики, анъанавий шовқинлар, баланд овозлардаги ҳайқириқлардан таъсирлироқ чиқади. Бунинг учун мана шу асарлар ватанпарварлик руҳида олинган картина, деган таъкидга ҳожат ҳам йўқ.

Жаҳон кинематографиясида муваффақиятга эришган барча фильмларда ватанпарварликнинг нозик ифодаларини топишингиз мумкин. "Фавқулодда қўнғироқ" фильмидан қизиқ бир мисол келтирсам: хавфли жиноятчи томонидан ўғирлаб кетилган қизни полиция ходимлари ҳеч топа олмайди. Шунда телефон орқали ёзиб олинган овоз фонида бир маромда тақиллаб турган қандайдир жисм товуши қаҳрамон эътиборини тортади. Воқеа жойида эса полиция ходими устунга илинган Америка байроғи ва шамолда чайқалиб тиргакка урилаётган темир тортқич ана шундай товуш чиқараётганини аниқлайди ва қизни қутқаради. Мутлақо ватанпарварлик мавзуси кўзланмаган, ўткир сюжетли, кассабоп фильм. Лекин деталь танлашда ижодкорларнинг миллий ғururини илғаш қийин эмас.

Ўзбек киносида ҳам шу мавзуда "Ўзбек қизи", "Матонат", "Аёл қисмати", "101-рейс", "Офицер 55" каби кўплаб фильмлар суратга олиняпти. Аммо буюртма асосида зўрма-зўракилик кўпайиб кетгандай туюлади баъзида. Фикримча, ижодкор ўзидаги бу туйғуни акс эттиришда ташвиқот характерини тўғридан-тўғри ифодаламай, санъаткорона ёндашув орқали тасвирлаши ҳам мумкин. Чунки бадиий адабиётда, санъат асарларида публицистик мавзулар кўндаланг қўйилмайди. Шу ўринда Шокир Холиқовнинг "Якшанба" фильмида ҳам мен ватанпарварликни гўзал деталларда ҳис қилдим. Ленгстон Ҳьюзнинг "Ватан" ҳикоясида бирор жойда ватан сўзи тилга олинмайди. Ўзингиз ҳис қилмаган жумлалар, сўзларни атама сифатида қўллаш билан томошабинга ҳам, ўқувчига ҳам ҳеч нарса беролмайсиз. Ватанни мадҳ этиш учун атайин қайсидир воқеликка ёки мавзуга алоҳида урғу бериш, таъкидлаш шарт эмас. Ижтимоий масала қўйилган ҳар қандай асарда унинг эпкинларини топиш мумкин.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири**
**Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.**

Саховатпеша кишининг бу хайрли ишлари кўпчиликка ўрнак бўлиши аниқ. Сабаби, сир эмас, кўп бора гувоҳ бўлдикки, бор-йўғи икки ёки уч килограмм егулик берганини расмга олиб, кўз-кўз қилганлар, айниқса, карантин дамларида кўп учради. Аслида, хайрли амални бажаришни мақтаниб, савоб ҳам, обрў ҳам топиб бўлмаслиги барчага аён.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Замонамиз қаҳрамони




НАРГИЗА ОПА ШИНАМ УЙИДА ЎТИРГАНЧА БУЛАРНИ ЎЙЛАРКАН, ҚУЛОҒИГА ҲОВЛИДА ШОДОН ЎЙНАЁТГАН БОЛАЛАРИНИНГ ОВОЗИ ЭШИТИЛИБ, ЮЗИГА ТАБАССУМ ЮГУРДИ. ДЕРАЗА ЯҚИНИГА КЕЛИБ, ҚУВНОҚ ҲОЛДА БИР-БИРИГА КОПТОК УЗАТАЁТГАН ЎҒИЛЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ КУЗАТАРКАН, НЕГАДИР КЎЗЛАРИГА ЁШ КЕЛДИ. ДЕРАЗА ОЙНАСИГА НИМАДИР ЧИЗМОҚЧИ БЎЛДИ. ЛЕКИН ДОИМИЙ ОДАТГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН УЙ СУРАТИНИ ЧИЗДИ. МЎЪЖАЗГИНА ТАСВИРГА ТЕРМИЛАРКАН, ХАЁЛЛАРИ УНИ ЎША МАШЪУМ ЎТГАН КУНЛАРИ ТОМОН ЕТАКЛАДИ.







# “БИЗГА КИМ УЙ БЕРГАНИНИ ҲАМОН БИЛМАЙМИЗ!”

## Ўзини ошкор қилмаган қашқадарёлик тадбиркор муҳтожларга 14 та янги уй совға қилди

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллада энг иноқ оила сифатида эътироф этилиб, фаровон турмуш кечиришаётганди. Наргизанинг бир рўзғорни эплаб, турмуш ўртоғи кўнглини олиб, болаларини бировдан кам қилмай тарбиялаётгани ҳақиқатан кўпчиликка ўрнак эди. Минг афсуски, бу қувончли кунлар узоққа чўзилмади. Эрининг танасида давосиз дард пайдо бўлди. Хавотир остида қанча югуриб-елмасин барибир даво топиш мушкул кечди. Шундай бўлса-да, ортга чекинмай, аёл боши билан эрини қанчадан-қанча шифокорлар кўригига олиб борди. Аммо унинг умри қисқа экан, ҳаётдан эрта кетди...

### ҲАММАСИ ШУНДАН СЎНГ БОШЛАНДИ

Эрининг биринчи турмушидан аллақачон вояга етиб қолган фарзандларининг негадир кейинги пайтда феъли айний бошлади. Отаси борида бирор марта тик қарай олмаган фарзандлар ўгай онаси билан бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган одат чиқарди. Олдинига топганини пана-пастқамда миннат қилиб юришса, кейинчалик ошкора айтадиган бўлишди. Падарини тупроққа қўйганига ҳали уч ой ўтмай, тўнғич ўғил уйланиш ҳаракатига тушиб қолди. Бундан кўнгли ранжиган Наргиза қанча гапирмасин, биров гапига қулоқ солмади. Иложсиз ўзи бош бўлиб, келин топишга ҳаракат қилди.

Марҳум эрининг яқинлари маслаҳати билан узоқроқ қариндошининг қизини ўзи бош бўлиб келин қилиб келди. Хонадонда янги оила пайдо бўлди. Бу аҳиллик кучайишига сабаб бўлади, деб ўйлашганди.

Маҳаллада энг иноқ оила сифатида эътироф этилиб, фаровон турмуш кечиришаётганди. Наргизанинг бир рўзғорни эплаб, турмуш ўртоғи кўнглини олиб, болаларини бировдан кам қилмай тарбиялаётгани ҳақиқатан кўпчиликка ўрнак эди. Минг афсуски, бу қувончли кунлар узоққа чўзилмади. Эрининг танасида давосиз дард пайдо бўлди.

Аммо, аксинча, янги келин ҳам куёвнинг йўриғига юриб, ўгай қайнонани турткилашга тушди. Орадаги совуқлик баттар авж олди. Шу пайтгача тинч яшаб келган хонадонига энди ортиқчалик қила бошлади. Очиқ-ойдин ундан икки норасидаси билан ҳовлидан чиқиб кетишни талаб қилишди.

Энг азобли кунлар шундан сўнг бошланди. Кунора жанжаллар жонидан ўтиб кетганди. Бош олиб кетай деса, тайинли манзили йўқ. Кетмай деса, бу азоблар... Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари аралашди. Фойдаси бўлмади. Қиш қаҳратонида оёғида йиртиқ калиш билан кўчага ҳайдалган кунлар бўлди. Ҳовли четидаги кичик омборхонадан жой беришди. Ҳартугул, совуқда шу ердан бўлса-да, жой текканига шукр қилиб, қоронғи томга жойлашди.

Бир куни далада ишлаб, уйга қайтаркан, эндигина тўртинчи синфга қатнашни бошлаган катта ўғли бир қоғозда ўзи чизган суратни укасига кўрсатиб, нималарнидир тушунтираётганини кўриб қизиқди. Бола оқ қоғозга ажойиб кўринишдаги уйни чизганди. Баланд, каттагина деразалари, кенг ҳовлиси бор бу расм мурғак боланинг қалбида ниш ураётган орзунинг қоғозга тушган акси эди.

— Онажон, қаранг, шу чизган суратим учун устозимиз мактабда беш баҳо қўйди.

— Нега уйнинг расмини чиздинг, ўғлим?

— Биласизми, она. Мен уйимиз мана шундай катта ва ёруғ бўлишини хоҳлайман. Келажакда, албатта, шундай яшаш жойимиз бўлади.

Меҳнатда қотган қўллари билан боласининг пешонасини силаб, бағрига босаркан, овоз чиқариб айтишга иккиланиб, илоҳим айтганинг келсин, болам, дея секин пичирлаганча унсиз йиғлаб юборди.

### РЎЁБГА ЧИҚҚАН ТУШ

Одатдаги кунларнинг бирида Наргиза опа елкасида кетмон билан дала чопиғига шошиб кетаркан, маҳалла идораси вакилларидан бири уни йўлда тўхтатди. Ҳол-аҳвол сўрашган бўлиб, бугуноқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олиб, идорага



боришини айтди. Бу таклиф сабаби эса доимгидек рўйхатга олиш эканини эслатиб ўтди. Кечки пайт айтилган ҳужжатни олиб, маҳаллага борди. Аммо раис ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатни оларкан, туман ҳокимлиги сўраганини, икки-уч кунда қайтариб беришини таъкидлади.

— Ҳокимлик ҳужжатимни нима қиларкин, — дея берган саволига раис ҳам елка қисганча ҳайронлигини билдирди.

Бу воқеа бўлганига ўн кундан ортиқ вақт ўтди. Наргиза опанинг хаёлидан кўтарилди.

2023 йилнинг апрель ойи эди. Ҳар доимгидек тирикчилик ташвиши билан далада кетмон чопаётган опани раис йўқлаб борди. Узоқдан имлаб, ёнига чақирди. Хавотир билан унинг олдига шошилди. Хаёлида минг ўй билан оқсоқолнинг олдига келганда, саломни ҳам унутиб: “Тинчликми?” дея сўради.

— Ҳовлиқманг, синглим. Тинчлик. Эрталабдан буён ҳокимликдагилар сизни сўрашяпти. Сизда телефон ҳам йўқ экан. Шунга менга айтишганди, бир гаплаштиринг, деб. Ҳозир қўнғироқ қилиб бераман, нега сўрашаётганини ўзларидан билиб оласиз.

— Яхши, гаплаштиринг-чи.

Оқсоқол қўнғироқ қилгач, у тарафдан тезда жавоб бўлди. Телефонни опага узатди. Бир оз гаплашилди.

— Нима гап экан? — Оқсоқол қизиқиб сўради.

— Косон тумани ҳокимлигидан. Эртага эрталаб болаларингизни олиб, ҳокимликка келинг, дейишди. Фақатгина сизга амалий ёрдам берилади, деган гапдан бошқасини гапиришмади.

Эртасига айтилган пайтда икки ўғлини етаклаганча Косон тумани ҳокимлиги биносига кириб бораркан, уни яхши кайфиятда кутиб олишди. Бир оз вақтдан сўнг машинага миндириб, уларга совға борлигини, ҳозир қабул қилиш учун боришини айтиб, опа учун номаълум манзил томон йўлга тушишди. Туман марказидан унчалик олис бўлмаган, ўн-ўн беш дақиқали йўл юриб, уларни олиб кетаётган машина “Ёшлар кўчаси” деб ёзиб қўйилган кўча томонга бурилди. Шинам, озода кўчада қатор қилиб ажойиб уйлар қурилганди. Бир оз юриб, ўнг тарафдаги учинчи уйнинг дарвозаси олдига келиб тўхташди. Машинадан тушиб, атрофни кўздан кечираркан, бу ерга келган фақатгина улар эмаслигини кўрди. Бирин-кетин келаётган машиналар ҳар бир дарвоза олдига келиб тўхтарди.

Совға қандайлигини кўп ҳам сир сақлашни хоҳламаган туман ҳокимлиги

Энг азобли кунлар шундан сўнг бошланди. Кунора жанжаллар жонидан ўтиб кетганди. Бош олиб кетай деса, тайинли манзили йўқ. Кетмай деса, бу азоблар... Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари аралашди. Фойдаси бўлмади. Қиш қаҳратонида оёғида йиртиқ калиш билан кўчага ҳайдалган кунлар бўлди. Ҳовли четидаги кичик омборхонадан жой беришди. Ҳартугул, совуқда шу ердан бўлса-да, жой текканига шукр қилиб, қоронғи томга жойлашди.

вакиллари тантанали равишда табриклаб, қўлига хонадон калитини топширди. Ҳеч гапдан хабари йўқ опа нима қилишни билмасдан жим турарди. Ҳолатга ойдинлик киритиш учун вакиллардан бири тушунтирди.

— Наргиза опа, бугундан бошлаб шу ҳовли сизники. Сизларга совға сифатида берилмоқда.

Каттагина дарвозага термилганча, чиройли уйнинг ташқи томонига ҳавас билан қараб, кечирасиз, бундай ҳашаматли уйнинг пулини бир умр ишлаб ҳам тўлай олмайман, дея ҳадиксиради.

— Йўқ, опажон, умуман бепул. Бир сўм тўламайсиз. Мана, қўлингиздаги ҳужжатлар бу хонадон номингизга расмийлаштирилганини билдиради.

Қоғозларга тикиларкан, негадир ҳеч бир ёзувни ўқий олмасди. Кўзлари ёшланиб, хиралашганди. Наҳотки, фақатгина тушларида кўрган уйга бугун етишган бўлса. Бир оз ўзига келиб, шукрона келтиришдан нарига ўтмасди. Бир нарса ёдига тушгандек, шошганча ҳокимлик вакилларига юзланиб, бу уйни ким совға қилаётганини сўради.

— Опажон, ростини айтсак, кимлигини биз ҳам билмаймиз. Бир саховатпеша инсон томонидан сизларга ҳадя қилинди.

### КЎНГИЛЛАРНИ ОБОД ЭТГАН КЎЧА

Косон тумани “Қуйи оброн” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёшлар кўчасини бугун бемалол кўнгилларни обод этган кўча, дея айтиш мумкин. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Боиси, бир пайтлар бу кўчадаги хонадонлар ўрнида собиқ хўжаликдан қолган эски корхона бўлиб, қаровсиз ҳолда эди. Бўш турган ерни тадбиркор сотиб олиб, ҳар бир қаторига еттидан, жами ўн тўртта ҳовли қурди. Қурганда ҳам ҳеч бир камчиликсиз, ҳар бир хоналари шинам, замон талабларига мос қурди. Бундан ташқари, ташқи дарвозахонаси ҳам кенг. Ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Кўпчилик эндиликда бу хонадонларни яхшигина маблағга пуллаб, даромад топади, деб ўйлаганди. Аммо ундай бўлмади.

Энг қувонарлиси, тадбиркор уйлар қурилишини якунлагач, ҳеч бир кишидан сўраб ўтирмай, янги хонадон эгаларини ўзи қидиришга тушди. Маҳаллалар оралаб одамлар билан суҳбатлашди. Уйсиз, анча вақтдан буён ночор яшаётган, имконияти чекланган, умуман, шароити оғир аҳволда турмуш кечираётганларни аниқлаб, рўйхатга олди. Бирор кишига сездирмай, туман ҳокимлиги орқали ҳужжатларини олиб, янги ҳовлиларни уларнинг номига расмийлаштирди. Барча ишлар якунлангач, ижтимоий таъминотга муҳтож 12 та оилага биттадан уй совға қилди.

— Ўтган йили апрель ойида бизга шу уйни беришганди, — дейди янги хонадонга кўчиб келиб, икки ўғли билан яшаётган Наргиза Қаҳҳорова. — Ҳали-ҳануз кўзларимга ишонмайман. Шунчалик шинам, каттагина уйни бизга беришгани қанчалик хурсанд қилганини тасвирлаб беришим мушкул. Нафақат уй, балки тўлиқ жиҳозлари билан ҳадя қилишди. Бундан ташқари, биринчи келган кунларимиз камида бир ойга етадиган озиқ-овқатлар бор эди. Илк бор уй ичига кирсам, стол устида тўртта иссиқ нон турганди. Музлаткични очиб қарасам, егуликларга тўла. Қаранг, бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган хонадонни совға қилиш билан бирга, ичидаги барча шароитларни яратиб бергани гўёки эртак оламига тушиб қолгандек ҳис қилдирди кишини. Ҳаётда шундай сахий инсонлар ҳам бор экан. У кишини бирор марта кўрмадик. Лекин туну кун дуодамиз. Агар сиз кўрсангиз яхши тилакларимизни етказиб қўйинг. Илоҳим, фарзандларининг камолини кўриб, узоқ умр кўрсин. Бу қилган яхшиликлари учун бир умр кунларимиз шодликда ўтадиган бўлди.

Бошқа уйларда истиқомат қилаётганларнинг қисмати ҳам шу пайтгача аянчли ўтган. Лекин бугун биргина ҳимматли инсоннинг ёрдами билан кўнгилларига ёруғлик кириб келди. Умри давомида мамнунликни унутиб қўйган юзларида табассум пайдо бўлди. Яшаш, яхши яшаш завқидан баҳраманд бўла бошлашди.

Биз ҳам хонадонларга кириб, уй қурилишига эътибор қаратарканмиз, таҳсин айтмай иложимиз қолмади. Бирор нуқсонга кўзингиз тушмайди. Сифатга жиддий эътибор қаратилган. Бундай сахийликларни фақатгина эшитиб келганимиз боис, ўз кўзимиз билан кўриб, кемтик кўнгилларнинг бутун бўлган қувончига шерик бўлдик.

— Ҳозир Ёшлар кўчасидаги ўн иккита уй ўз эгаларига топширилган, — дейди “Қуйи оброн” МФЙ хотин-қизлар фаоли Клара Рўзиева. — Яна иккита бўш уй турибди. Бу ҳам яқинда топширилади. Яъни икки нафар чин етим йигит рўйхатга олинган. Шуларни янги ҳовлида уйлантириб, тўйини шу ерда ўтказиб бериш режалаштирилмоқда. Биласизми, аслида, ким томонидан бу хонадонлар қурилганини биз ҳам билмаймиз. Фақатгина тадбиркор эканини эшитганмиз. Бирор марта ўзини таништиришни, шундай иш қилдим, дея мақтанишни истамаган экан. Ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг сезмасин, деган ҳикматга амал қилганининг ўзи бир ибрат. Ким бўлса ҳам барака топсин. Қанча одамларни уй-жойли қилди. Ҳар бирига бир миллиард сўмдан — жами ўн тўрт миллиард сўм сарфлаб, етти ёт бегоналарга ҳадя қилиш учун кишининг қалби дарё бўлиши керак. Шундай инсонлар кўпаяверсин. Бугун биз ҳам бир четда қараб турмасликка ҳаракат қиляпмиз. Бу ерда яшовчиларнинг бандлигини таъминлашга эришдик. Асосан, касаначилик орқали даромад топишмоқда. Ҳозир бемалол рўзғорини эплашиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашмоқда.

Саховатпеша кишининг бу хайрли ишлари кўпчиликка ўрнак бўлиши аниқ. Сабаби, сир эмас, кўп бора гувоҳ бўлдикки, бор-йўғи икки ёки уч килограмм егулик берганини расмга олиб, кўз-кўз қилганлар, айниқса, карантин дамларида кўп учради. Аслида, хайрли амални бажаришни мақтаниб, савоб ҳам, обрў ҳам топиб бўлмаслиги барчага аён.

Ушбу мақолани тайёрлар эканман, болалигимда бобомдан кўп бора эшитган ҳикматли ривоят ёдимга келди. Эмишки, ҳар кун ўз вазифасини бажариб, ётоғига қайтган қуёш ҳолдан тойиб, тушкунликка тушаркан. Шу дамда яратганга арз қилиб, кун давомида ёруғ оламдаги кўпгина ёмонликларнинг гувоҳи бўлиб, бир аҳволга тушаётганини айтаркан. Имкони бўлса, эрта тонгда вазифасини бажаришга киришмаслигини ўтиниб сўраркан. Шунда фаришталар орқали хабар бериларканки, эрта тонгда туриб, ёруғ оламга кўз ташлашини, агар битта бўлса ҳам яхши одам қолган бўлса, нур таратишда давом этиши амр этиларкан. Шу-шу ҳар азонда қуёш бу ҳолатни такрорлаб, яхшилар борлиги учун, ҳаттоки улардан қувват олиб ҳаракатдан тўхтамас экан. Демакки, сахий инсонларнинг хайрли ишлари нафақат саховат қилган кишилари, балки бутун ёруғ оламга татийди. Орамизда бундай одамлар сафи ортиб бораверсин.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 303.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:40 Топширилди — 00:20